

ЗОҲИДЖОН СОДИҚОВ

**ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯ ВА
ЛИНГВОПРАГМАТИК
ТАРЖИМА**

**ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҲАМДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ
ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАР УЧУН
НЕМИС ТИЛИ ФАНИДАН
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги
Наманган давлат университети
Немис ва француз тиллари кафедраси**

ЗОҲИДЖОН СОДИҚОВ

ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯ ВА ЛИНГВОПРАГМАТИК ТАРЖИМА

**Олий ўқув юртлари ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар
коллежлар учун немис тили фанидан ўқув-услубий қўлланма**

Наманган – 2015 йил

Ушбу ўқув-услубий қўлланма НамДУ Филология факультети услубий кенгашининг 2015 йил 27-мартдаги 6 - сонли йиғилиши баённомаси билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган

Қиёсий типология ҳамда таржима назарияси ва амалиёти бўйича тайёрланган ушбу учун ўқув-услубий қўлланма 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (немис тили) бакалавр таълим йўналиши 4-босқич талабалари ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежлари немис тили ўқитувчиларига мўлжалланган бўлиб, унда мазкур фанларнинг асосий мавзулари назарий ҳамда амалий томонларининг муҳим жиҳатлари ёритиб берилган.

Муаллиф: ф.ф.н., доц. З.Содиқов
Тақризчилар: ф.ф.н., доц. Ў.Нурматов
п.ф.н. доц. С.Сайдалиев



1-МАВЗУ

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ОТЛАР ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯСИ ВА ТАРЖИМАСИ

1.1. Немис ва ўзбек тилидаги отларда ўзаро ўхшаш ва фарқ қилувчи жиҳатлар бор. Фарқ қилувчи томонларига куйидагиларни киритиш мумкин:

1. Немис тилидаги отлар доимо катта ҳарфлар билан ишлатилади ва улар олдидан муайян артикклар қўлланилади. Масалан: *die Heimat, die Befoelkerung, der Wagen, das Maedchen*.

2. Немис тилидаги отлар жинс категориясига эга. Масалан: *der Vater (m), die Mutter (f), das Haus (n)*. (Эслатма. Луғатларда отлардан сўнг қўйилдагн ҳарфлар уларнинг муайян жинсга тааллуқли эканлигини кўрсатади. Жумладан, *m – Maskulina – мужской род, f – Feminina – женский род, n – Neutra – средний род*. Ўзбек тилида буни *эркак, аёл ва миёний жинс* ҳам деб юритилади.)

Немис тилидаги отларнинг кўплик шакллари ўзбек тилидан фарқли равишда турли кўринишларда ясалади. Немис тилидаги отлар ўзагини ўзгартириш билан ҳам кўплигини

Ўхшаш томонларига:

1. Ҳар икки тилдаги отлар содда ва мураккаб, бир таркибли ва кўп таркибли отларга бўлинади.
2. Ҳар икки тилдаги отлар ҳам гапда асосан эга вазифасини бажаради.
3. Ҳар икки тилдаги отлар кўплик шаклларини кўшимча ва олд кўшимчалар ёрдамида ҳам ясайдилар.

1.2. Немис тилидан ўзбек тилига отлар таржимаси

Немисча отларни ўзбек тилига бир неча усуллар билан таржима қилиниши мумкин. Таржимада ҳар икки тилдаги отларнинг ўзаро муқобил келишига эътибор қаратиш лозим. Немисча-ўзбекча луғатларга нисбатан немисча русча луғатлар яратиш тажрибаси анчагина бойлиги билан ажралиб туради. Шундай бўлса ҳам мустақиллик йилларида немисча-ўзбекча луғатлар яратиш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Айни пайтда немис тилидаги

отларни уларнинг рус тилидаги мукобиллари билан ҳам ўзаро солиштириш тажрибасидан фойдаланиш фойдадан ҳоли эмас. Ҳар уччала тилда бир-бирига мукобил келадиган бир гуруҳ отлар борлигини таъкидлаш лозим. Уларнинг кўпчилиги тўла, бошқалари қисман мос келадилар.

Немис тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида
Territorium	Территория	Ҳудуд
Inhalt	Содержание	Мундарижа
Geschichte	История	Тарих
Gesellschaftsordnung	Общественный строй	Ижтимоий тизим
Staatsaufbau	Государственный строй	Давлат тизими
Aussenpolitik	Внешняя политика	Ташқи сиёсат
Wirtschaft	Экономика	Иқтисодиёт
Bildungswesen	Образование	Таълим
Kultur	Культура	Маданият
Gesundheitswesen	Здравохранение	Соғлиқни сақлаш
Sozialwesen	Социальное обеспечение	Ижтимоий ҳимоя
Erholung	Отдых	Дам олиш
Sport	Спорт	спорт

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, барча отлар ҳар уччала тилда мазмунан ўзаро мос келсаларда, таркиб жиҳатдан айрим фарқларга эгалар. Дунё тилларида кўпинча лотинг, грек, инглиз, немис, француз, испан тилларидан бошқа тилларга кириб келгани интернационализмлар график ва фонетик жиҳатдан ўзаро мувофиқ келадилар. Бунга *спорт* сўзини мисол келтириш мумкин. Айни пайтда интернационал сўзлар орасида шундайлари ҳам борки, уларнинг сохта маънолари домига тушиб қолмаслик керак. Немис тилидаги *Qualifizierung* сўзи айрим ҳоллардагина *квалификация*, кўпинча кўпинча *яхшилаш*, *яхшиланиш*, *тузалиш*, *такомиллаштириш* маъноларини ифодалайди. Таржимада анашу жиҳатга эътибор қаратиш керак. Ўзбек тилидаги *фабрика* сўзи

немис тилида *die Fabrik* дейилсада, айрим ҳоллардагина *фабрика*, кўпинча *завод* маъносида қўлланилади. Шунингдек, *Praesident* сўзи нафақат *мамлакат президенти*, балки *раис*, *раҳбар* маъноларига ҳам эгаллиги билан фарқланади. Немис тилидаги биргина *Wirtschaft* сўзини оладиган бўлсак, уни ўзбек тилига кўпинча иқтисодиёт сўзи билан ўгираамиз. Аммо немис тилининг ўзида бу калима: 1) хўжалик 2) иқтисодиёт 3) ресторан 4) хўжалик юритиш 5) *овзаки нутқда* тутуруксизлик каби маъноларга эгаллиги билан фарқланади. Шу сабабли бундай отларни немис тилидан ўзбек тилига ўгиришда уларнинг муайян контекстдаги фаол маъноларига эътибор бериш ва уларни бошқаларидан фарқлаш талаб этилади. Масалан немис тилидаги *die Geschichte* сўзини оладиган бўлсак, унинг фаол англатадиган маъноси ўзбекча тарихдир. Аммо муайян контекст тақазоси билан у *ҳикоя*, *повесть*, *тўқима* каби маъноларни ҳам англатиши мумкин.

Мавзу юзасидан машқлар

Қуйидаги немис тилида берилган сўзлар ўзбекча муқобилларини чизиқ остида берилган сўзлар ичидан мосини топиб қўйинг.

1. Маълумотномаларда берилган сарлавҳа ва бўлинма номларидан олинган сўзлардан.

<i>Flaechе</i>	<i>Chemieindustrie</i>	<i>Maschinenbau</i>
<i>Bevoelkerung</i>	<i>Metallurgie</i>	<i>Elektrotechnik</i>
<i>Industrie</i>	<i>Baumaterialien</i>	<i>Geraetsbau</i>
<i>Energiewirtschaft</i>	<i>Wasserwirtschaft</i>	<i>Leichtindustrie</i>
<i>Brennstoffindustrie</i>	<i>Schwerindustrie</i>	<i>Textilindustrie</i>

Тўқимачилик саноати, сув хўжалиги, иссиқлик бериш саноати, қурилиш материаллари саноати, энергетика, енгил саноат, металлургия, саноат, ускунасослик, аҳоли, машинасослик, кимё саноати, аҳоли, ҳудуд, замин

2. Газеталардаги руқунлар номларидан.

<i>Politik</i>	<i>Kultur</i>
<i>Innenpolitik</i>	<i>Natur und Wissenschaft</i>

Wissenschaft und Technik

Mosaik

Sport

Buecherregal

Reportage

Kaleidoskop

Kultur und Kunst

Geschichte und Gegenwart

Literatur und Kritik

Standpunkt

Маданият, табиат ва фан, калейдоскоп, маданият ва санъат, тарих ва бугунги кун, адабиёт ва танқид, сиёсат, ички сиёсат, фан ва техника, мозаика, спорт, нуқтаи назар, китоб растаси, репортаж.

4. Қишлоқ хўжалиги энциклопедиясидан.

Klee

Winterweizen

Kartoffel

Hafer

Zuckeruebe

Winterroggen

Getraeide

Sonnenblume

Weintraube

Картошка, қишки сули, беда, қишки бугдой, ёрма арпа, қанд лавлаги, қишки жавдар, узум, кунгабоқар, ем-хашак

5. Озиқ-овқат маҳсулотлари номларидан.

Eis

Keks

Limonade

Butter

Torte

Tomatensaft

Margarine

Kuchen

Bier

Fisch

Kohl

Sekt

Hering

Salat

Wein

Kabeljau

Petersille

Reis

Karpfen

Radies

Mehl

Makrele

Sellerie

Brot

Hammelfleisch

Schnittlauch

Kaese

Leber

Spargel

Milch

Rindfleisch

Spinat

Wurst

Schweinfleisch

Zwiebel

Salami

Schinken

Apfelsaft

Gehaktes

Олмали шарбат, пиёз, исмалоқ, сарсабил, кесма пиёз, сельдерей ўти, редиска, петрушка, салат, карам, пирог, печенье, қийма, салами (қизил вино қўшилган колбаса), ветчина, чўчка гўшти, мол гўшти, қўй гўшти, макрель балиғи, карп балиғи, треска балиғи, сельд

балиғи, балиқ, маргарин, сариф ёғ, музқаймоқ, колбаса, сут, ун, нон, гуруч, шароб, шампан виноси, пиво, томатли сок, лимонад

6. Касб-хунар номларидан.

<i>Hochoefner</i>	<i>Former</i>	<i>Schmied</i>
<i>Stahlgiesser</i>	<i>Einrichter</i>	<i>Dreher</i>
<i>Rohrwalzer</i>	<i>Kernmacher</i>	<i>Schlosser</i>

Чилангар, пармаловчи, темирчи, ўқ тайёрловчи, созловчи, шакл берувчиқувур ётқизувчи, пўлат эритувчи

7. Шаҳар тархига оид тушунтиришлардан.

<i>Eisenbahn</i>	<i>Reisebuero</i>	<i>Stadion</i>
<i>Bahnhof</i>	<i>Hotel</i>	<i>Schwimmbad</i>
<i>Strassenbahn</i>	<i>Post</i>	<i>Krankenhaus</i>
<i>Haltestelle</i>	<i>Theater</i>	<i>Poliklinik</i>
<i>Omnibus</i>	<i>Lichtspielhaus</i>	<i>Apotheke</i>
<i>Tankstelle</i>	<i>Museum</i>	<i>Flughafen</i>
<i>U-Bahn</i>	<i>Denkmal</i>	<i>Tierpark</i>

Ҳайкал, музей, кинотеатр, дорихона, аэропорт, поликлиника, касалхона, сузиш хавзаси, стадион, театр, почта, меҳмонхона, саёҳат бюроси, вокзал, ёқилғи қуйиш шаҳобчаси, автобус, бекат, трамвай, темир йўл, сузиш хавзаси

Таржимада отларнинг сон категорияси ифодалаш муаммоси

Юқорида таъкидланганидек, немис тилидаги отлар кўплик шаклининг ясалиши ўзбек тилидан фарқ қилади. Аниқроғи, немис тилида -e, -n, -en, -er, -s, - а каби қўшимчаларни қўшиш билан ясалади. Уларнинг охириги иккитаси немис тилига ўзлашган отларга тааллуқлидир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, немис тилидаги -er, -el, -e, -en қўшимчалари билан тугаган мужской ва средний роддаги отлар, шунингдек айрим ўзлашган отларнинг бирлик ва кўплик шаклларида ўзаро маъновий мос келишлик мавжудлигини ҳам унутмаслик керак:

der Wagen – die Wagen – вагон, автомобил, коляска.

der Schlepper – die Schlepper – тиркагич, судровчи, трактор.

der Roller – мотороллер, самокат.

der Loeffel – die Loeffel – қошиқ, ковш.

der Fonds – die Fonds – фонд.

Немис тилидаги айрим отларнинг кўплик шакли ясашида ўзагида ўзгариш бўлади, аниқроғи, умлаут олади. Масалан:

Zug – Zuege (поезд-поездлар), Rad - Raeder (ғилдирак-ғилдираклар),
Graben – Graeben (арик-ариклар)

Немис тилида бирликда ҳам, кўпликда ҳам бир хил маъно англатиши мумкин бўлган қуйидаги отлар таржималарини билиш муҳимдир:

Probleme кўplik das Problem – die Probleme (муаммолар)

Tiere кўplik das Tier – die Tiere (хайвонлар)

Zuege кўplik der Zug – die Zuege (поездлар)

Luege бирлик die Luege – die Luegen (ёлгон)

Wagen бир/кўnder Wagen - die Wagen (вагон ён вагонлар)

Minenкўplik die Mine – die Minen (мина, ўқлар)

Fakten кўplik der Fakt – die Fakten (факт, фактлар)

Bogen бирлик der Bogen – die Bogen (ёй)

Traenen кўplikdie Traene – die Traenen (кўз ёшлар)

Graeben кўplik der Graben – die Graeben (ариклар)

Tochter бирлик die Tochter – die Toechter (қизлар)

Baeder кўplik das Bad – die Baeder (ванналар, курортлар)

Felder кўplik das Feld – die Felder (далалар)

Laden бир/кўp der Laden – die Laden (дўконлар)

Немис тилидан ўзбек тилига таржимада отлар сонининг ўзгариши

Немисчада (кўplik)

Kernwaffen

Ausruestungen

Informationen

Erfahrungen

Realloehne

Importe/Exporte

Немисчада (бирлик)

Ўзбекчада (бирлик)

Ядро қуроли

дастгоҳ

ахборот

тажриба

хақиқий иш ҳақи

импорт/экспорт

Ўзбекчада (бирлик)

Tor
Steinobst
Entwicklungstempo
Praesidentenwahl

дарвоза
данакли мева
тараққиёт тезлиги
президентлик сайлови

2-МАВЗУ

НЕМИС ТИЛИДАГИ ЎЗЛАШМА ВА ҚЎШМА ОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА МУҚОБИЛЛАРИ

Ҳар бир тилда сўз ясалиши ўша тилнинг қоидалари асосида амалга оширилади. Мураккаб таркибли сўзларнинг англатадиган маъноларини бошқа тилга доим ҳам сўзма-сўз, айти маъносида ўгириб бўлмайди. Жумладан, немис тилидаги куйидаги сўзларни ўзбек тилига сўзма-сўз ўгирадиган бўлсак, ўзгача маъно англашилиши турган гап.

Немис тилида	Сўзма-сўз маъноси	Ўзбекча таржимаси
Volkerrecht	халқлар ҳуқуқи	халқаро ҳуқуқ
Berufsverbot	касбий таъқиқ	касбга таъқиқ қўйиш
Zugfuehrer	машинист	поезд бошлиғи
Sperrvertrag	тарқатмаслик шартномаси	ядро куролини тарқатмаслик шартномаси

Немис тилидаги мураккаб отлар сўз таркибига турли суффикс (қўшимча) ва префикс (олд қўшимча)лар қўшиш билан ҳам ясаладилар.

- ер суффикси орқали мужской роддаги отлар 1) турли фаолият юритувчи кишиларнинг номлари ясалади: der Schueler - ўқувчи, шогирд ... 2) Бирор ҳудудда яшовчи кишилар: Schweizer - швецариялик ... 3) Бирор-бир дастгоҳ ёки асбобнинг номи: der Bohrer – парма.

Немис тилидаги мураккаб сўзлар бир ёки бир неча ўзак отлардан иборат бўлиб, улар ўзаро турли боғловчилар билан боғланадилар. Буларга – s, - e, - er, -en суффиксларини киритиш мумкин.

- Fahrzeug* (боғловчисиз) - транспорт
wocumacu
- Hebekran* (-e боғловчиси ёрдамида) - кўтарма кран
Wohnungsbau (-s боғловчиси ёрдамида) - уй-жой қурулиши
Strassenfahrzeug (-n боғловчиси ёрдамида) - йўл транспорт
wocumacu
- Personenkraftwagen* (-en боғловчиси ёрдамида) - енгил автомобиль
Немис ва ўзбек тилларида ўзаро чизиқча ёки ва қўшимчаси билан
ясаладиган мураккаб сўзлар муқобил келади:
- Rot-Weiss* - оқ-қора
Tag und Nacht - кеча ва кундуз
Немис тилида кўпчилик мураккаб отлар ўзаро қўшиб ёзилади.
Аммо ўзбек тилида ҳар икки сўз алоҳида ифодаланади:
- Weltraumschiff* - космик кема
Weltraumfluggeraet – космосда парвоз қилувчи қурулма (аппарат)
Atomeisbrecher – атом музёрап кемаси
Немис тилида жуда кўп отлар олд қўшимчалар қўшиш билан
ясалади ва улар ўзаро қўшиб ёзилади. Уларнинг ўзбекча
муқобиллари билан ўзаро қиёлаганда тузулиши ва таркиби
жиҳатидан сўзлар фарқ қилади. Немис тилидаги ана шундай
сўзларни ўзбек тилига таржима қилганда қуйидаги ҳолатни
кўришимиз мумкин:
- Abreise* - жўнаб кетиш
Ankommen - етиб келиш
Fortbewegung – олдинга силжиш
Gipfeltreffen – юқори даражадаги учрашув
Riesenglobus - глобус-гигант, улкан глобус
Verkehrssuender – йўл ҳаракати қоидаларини бузувчи
Немис тилидаги мураккаб таркибли сўзлар дефис билан ҳам
ёзилиши мумкин:
- Dieseltriebwagen und -zuege* - дизел вагон ва дизел
поездлар
Fracht und -Passagiersschiffe - юк ва пассажир
ташувчи кемалар

<i>Auf- und Abwaertsbewegung</i>	-	юқорига ва pastга ҳаракатланиш
<i>Hin- und Heruebersetzung</i>	-	чет тилига ва чет тилидан таржима
<i>Stromauf- und -abwaertsverkehr</i>	-	оқим бўйлаб юқорига ва қуйига ҳа- ракатланиш

Мавзу юзасидан машқлар.

1-машқ. Қуйида немис тилида берилган отларнинг ўзбекча муқобилларини топинг ва таржима қилинг. Ҳар икки тилдаги отларнинг сонини аниқланг.

1) Generationen 2) Vertreter 3) Defekte 4) Abkommen 5) Sonde 6) Regime 7) Verfahren 8) Raumfahre 9) Profis 10) Termini 11) Bande 14) Laute 15) Faecher 16) Akte 17) Wesen 18) Paten 19) Kasten 20) Kaеufe 21) Ruege 22) Pfluege 23) Groesse 24) Stoesse 25) Lebenslaeufe

2-машқ. Қуйидаги микроматнларни луғат ёрдамида таржима қилинг.

А) Энциклопедиядан

Flugzeuge

Verkehrersflugzeuge: Passagier-, Fracht- und Postflugzeuge

Kriegsflugzeuge: Jagd-, Bomben-, -Aufklaerungs-, Verbindungs-, Transportflugzeuge, Raketentraeger

Ракета ташувчи самолётлар, транспорт самолётлари, алоқа самолётлари, разведка самолётлари, бомбардимончи самолётлар, қирувчи самолётлар, фуқаро авиацияси

Б) Товарлар каталогидан

Konfektion

Damenbekleidung

Maentel, Kostueme, Roecke, Kleider, Blusen

Herren-Oberbekleidung

Anzuege, Maentel, Sakkos, Hosen

Kinderoberbekleidung

Knabenanzuege und -hosen; Maedchenkleider und -maentel

Аёллар кийимлари, тайёр кийимлар, пальто, костюмлар, юбкалар, куйлаклар, блузкалар, эркаклар устки кийимлари, костюмлар, пальто, пиджак, шимлар болалар устки кийимлари, болалар костюм ва шимлари, қизалоқлар учун куйлак ва пальтолар

В) Туристлар учун сўровномадан

Name, Vorname, Geburtsdatum und -ort; Familienstand, Staatsangehoerigkeit, Nationalitaet, Wohnanschrift

Фамилияси, исми, туғилган жойи ва санаси, оилавийаҳволи, фуқаролиги, миллати, доимой яшаш жойи

Г) Газета эълонларидан

1) Teatrkartenvorverkauf 2) Autoan- und -verkauf 3) Immobilien 4) 4-Zimmer-Neubauwohnung 5) Antiquitaetenankauf: Moebel, Porzellan, Bronze- und Zinngegenstaende, gemaelde und Grafiken

Антиквар буюмларни сотиш: мебель, биллур, мисс ва кумушдан ясалган буюмлар, тасвирий санъат ва график асарлар намуналари.

Янги уйдаги тўрт хонали хонадон.

Кўчмас мулк

Автомобилларни сотиш ва сотиб олиш.

Театр чипталарини олдиндан сотиш.

Д) Узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари рўйхатидан

1) Heimempfaenger 2) Kofferempfenger 3) Radiorecorder 4) Schwarz-Weiss-Fernseh-Geraete 5) Farbfernsehgeraete 6) Personenkraftwagen 7) Kleinkraftraeder 8) Fahrraeder 9) Fotoapparate 10) Haushaltkuehlschraenke 11) haushaltwaschmaschinen 12) Videorecorder

Видеомагнитофонлар, маиший кир ювиш машиналари, маиший музлатгич, фотоаппаратлар, велосипедлар, ихчам мотоцикллар, енгил автомобиллар, рангли телевизорлар, оқ-қора телевизорлар, магнитофонли радиоприёмниклар, портатив (кўлда кўтариб юрадиган) радиоприёмниклар, маиший радиоприёмниклар.

Е) Қисқартиришга оид курул-яроғлар рўйхатидан

1) Kampfflugzeuge und –hubschrauber 2) Boden-Luft- und Luft-Boden-Raketen 3) Mehrfach- und Granatwerfer 4) Panzerkampf- und Schuetzenpanzerwagen

Танк ва бронетранспортерлар, узокка отишга мўлжалланган реактив системалар ва минометлар, “ер-хаво” ва “хаво-ер” русумдаги ракеталар, ҳарбий самолёт ва вертолётлар.

Ж) Мехмонхоналарда қабул қилинадиган буюртмалар рўйхатидан

1) Ausfluege 2) Stadtbesichtigung 3) Theater- und Kinoeintritskarten 4) Blumen 5) Autoreparaturen 6) Eisenbahn- und Autobuskarten 7) Flugkarten 8) Taxibestellungen 9) Ferngespraeche 10) Telegramme

Телеграмма, халқаро телефон сўзлашуви, такси буюртмаси, авиачипталар, темир йўл ва автобус чипталари, автомобилларни таъмирлаш, гуллар, кинотеатр ва театр чипталари, шаҳар бўйлаб экскурсия, экскурсия

Д) Ижарага бериладиган нарсалар рўйхатидан

1) Blumenvasen 2) Fernseh- und Tonbandgeraete 3) Heissluftduschen 4) Kinderbetten 5) Regenschirme 6) Schreibmaschinen 7) Diktiergeraete, Filmprojektoren

Телевизор ва магнитофонлар, соч қуритгичлар (фен), гулдонлар, болалар кроватлари, ёмғирпўшлар, ёзув машинкалари, диктафонлар, кнопроекторлар.

З) Айрим товар ва хизматларнинг нархлари рўйхатидан

<i>Waren und Dienstleistungen</i>	<i>Preise und Tarife</i>
Kartoffeln 5 Kilogramm	4,99 Euro
Roggenmischbrot	1,30 Euro
Rindfleisch Kilogramm	11,00 Euro
Frischmilch 1 Liter	0,65 Euro
Bauerbutter Kilogramm	8,60 Euro
Filterzigaretten Schachtel	5,00 Euro
Kaffe Kilogramm	10,00 Euro
Kinderhalbschuhe 1 Paar	15,00 Euro
Waschmaschine (Vollautomat)	981,00 Euro
Kuehlschrank	559,00 Euro

Gefrierschrank	1039,00 Euro
Fernseher, Breitwand-Color	1539 Euro
Eisenbahnfahrt, Kilometr	0,21 Euro
Strassenbahnfahrt 1 Fahrt	2,20 Euro
Briefsendung, 20 Gramm	0,80 Euro
Braunkohlenbrieketts 50 Kilogramm	3,50 Euro
Haushaltsstrom 1 Kilowattstunde	0,42 Euro
Haushaltsgas 1 Kubikmeter	0,95 Euro
Monatsmiete 2-3 Zimmer, Kueche, Bad, Zentralheizung	434 Euro

Товарвахизматкўрсатишнархлари, 2-3 хонали хонадон, ошхона, душ ва ойлик ижара, марказий иситиш системаси, хонадонда фойдаланиш учун 1 кубикметргаз, хонадонда фойдаланиш учун 1 киловат соат электр токи, 50 килограмм қўнғир кўмир брикети, 20 грамм оғирликдаги хатни юбориш, 1 маротаба трамвайда юриш, темир йўл транспортида 1 километр юриш, кенг экранли рангли телевизор, ўта совуқ музлатадиган музлатгич, музлатгич, кир ювиш машинаси (тўла автоматлаштирилган), 1 жуфт болалар поябзали, кофенинг килограмми, 1 қути сигарета, 1 килограмм мол гўшти, арпа унли нон, 5 килограмм картошка.

3-МАВЗУ

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҚИСҚАРТМАЛАР ҲАМДА УЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Қисқартмалар ҳар қандай тилда қўлланилади ва унинг луғат хазинасининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Улар тилни лўнда, ихчам тарзда ққўллашдаги муҳим воситалардан ҳисобланади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да уларга қуйидагича таъриф берилган: **“Қисқартма** – 1. Қисқартирилган, мухтасар матн. *Диссертациянинг қисқартирилган варианты.*

2. Сўзнинг маълум шаклда қисқартириб берилган ифодаси – шартли қисқартмалар. Мас, ва б (ва бошқалар) ва ш.к. (ва шу кабилар. А.О. (Абдулла Орипов).

Қисқартма отлар. Бирикма номлар компонентларининг маълум қисмларини қисқартириб, қўшиб ҳосил қилинган отлар. Масалан, ДАН (Давлат автомобил назорати), ТошДШИ (Тошкент давлат шарқшунослик институти).

2. Матннинг қисқартирилган ери, қисми”¹.

Қисқартмаларнинг кўпчилиги бошқа тилларда муқобилларига эга бўлиб, улар икки тилли лугатларда ҳам ўз аксини топган. Айрим лугатларда қисқартмалар алифбо тартибида берилса, бошқаларида мавзуй аснода тартиб берилади.

Шундай қисқартмалар бўладик, улар бошқа халқларга ҳам муайян даражада маълум бўлади. Жумладан, NATO, UNESCO, UNICEF, FIFA, FIDE, FIFA, BMW, DAAD – қисқартмалари ўзбек тилига транскрипция воситасида НАТО, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ФИДЕ, ФИФА, БМВ, ДААД тарзида ўгирилади. Буларни интернационал қисқартмалар деб ҳам юритилади. Бундан ташқари шунга яқин бўлган бир қатор қисқартмалар ҳам борки, улани ўзбек тилидаги муқобилининг биринчи ҳарфи билан ўгириш анаънага кирган. Масалан, USA - АҚШ, UNO - БМТ, AIDS – ОИТС каби.

Немис тилида шундай қисқартмалар ҳам борки, улар таржима тили, жумладан, ўзбек тилида унчалик маълум эмас. Шу боис уларни таржима қилганда қисқартманинг англатадиган маъносини ҳам транскрипциялаш мақсадга мувофиқ. Масалан, Германия марказий телеканалларидан бирини ZDF дейилади. Унинг маъноси Zentrale Deutsche Rundfunk (ZDF) бўлиб, ўзбек тилига таржимада ZDF – централье дойче рундфунк тарзида ифодаланади.

Мавзу бўйича машқлар

1-машқ. *Қуйида немис тилида берилган қисқартмаларни ўзбек тилига таржима қилинг.*

- 1) WGO – Weltgesundheitsorganisation
- 2) WGB – Weltgewerkschaften
- 3) ECOSOC – Wirtschafts- und Sozialrat
- 3) KKW – Kernkraftwerk
- 4) WKW – Wasserkraftwerk
- 6) CDU – Christlich –Demokratische Union
- 7) FBI – Bundeskriminalamt

¹Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2008 йил. 5 жилдли, 5-жилд. 311-312 бетлар.

(USA) 8) PS – Pferdestaerke 9) Mo. – Montag 10) dt – Dezitonne
11) StVO – Strassenverkehrs-Ordnung 12) EKG –
Elektrokardiogramm

2-машқ. Қисқартмали мураккаб сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг.

UNO – Hauptquartier	KSZE-Schlussakte
UNESCO-Verfassung	FPD-Mitglied (BRD)
SPD-Vorstand (BRD)	US-Dollar
EG-Laender	OECD-Statistik
ABS-Waffen	EFTA-Mitglieder
SALT-Vertrag	UFO-Beobachtungen
INF-Vertrag	OAS-Konferenz
AFP-Meldung	OAU-Mitgliedstaaten
DGB-Vorstandmitlieg	GUS – Vorstandsrat

1- машқ учун калит сўзлар

1) ЖССТ – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2) ЖКУФ – Жаҳон қасаба уюшмалари федерацияси 3) ЭКОСОС – БМТнинг иқтисодий ва ижтисой масалар бўйича кенгаши 4) АЭС – Атом электр станцияси 5) ГЭС – Гидроэлектрстанция 6) ХДИ – Христиан Демократлар Иттифоқи 7) ФБР – Федерал қидирув бюроси (АҚШ) 8) О.К. – от кучи 9) д. – душанба 10) ц. – центнер 11) ЙХҚ – Йўл ҳаракати қондалари 12) ЭКГ – Электрокардиограмма.

2-машқ калит сўзлар.

БМТ штаб квартираси	СБСЕнинг яқуний акти
ЮНЕСКО устави	ХДП аъзоси (Германия)
СПДГ (ГФР) бошқарув ҳайъати	АҚШ доллари
ЕИ мамлакатлари	ОЭСР статистикаси
Атом, биологик ва кимёвий қурооллар	ЕАСТ аъзолари
РҚМ – ракетага қарши мудофаа шартномаси	НУЖ – кузатуви
РСМД шартномаси	ОАГ конференцияси
АФМ ахбороти	БАА – аъзо мамлакатлари
	ГКУБ – Германия қасаба уюшма бошқаруви аъзолари

4-МАЗУ

АТОҚЛИ ОТЛАР ТАРЖИМАСИДА ТАРЖИМАСИДА ТРАНСЛИТЕРАЦИЯ УСУЛИНИ ҚўЛЛАШ

Таржимада харфлараро муқобилликни таъминлаш – транслитерация дейилади. Бундай таржима усулининг асосида letter (харф) ётади. Бундай усул:

1. Исм ва фамилиялар.

Fridrich Duerrenmatt

Erich Maria Remarque

John Reed

Michael Schreiber

Jakob Taube

Фридрих Дюрренматт

Эрих Мария Ремарк

Жон Рид

Михаил Шрайбер

Якуб Таубе

2. Географик номлар.

Innsbruck

Michigan

Germersheim

Mainz

Heidelberg

Иннсбрук

Мичиган

Гермерсхайм

Майнц

Хайделберг

3. Кўчалар, майдонлар, меҳмонхоналарнинг номлари.

Friedrichstrasse

Alexanderplatz

Komische Oper

Фридрихштрассе

Александрплац

“Комише опер”

4. Газета, журнал, нашриёт, ахборот агентликлари, телерадио компанияларнинг номлари.

Der Spiegel

Die Welt

Westdeutscher Rundfunk

BBC

Шпигель

Вельт

ВестдойчерРундфунк

би-би-си

5. Корхона, фирмаларнинг номлари.

Ruhrgas AG

DT- DeutscheTelekom

DB – DeutscheBahn

GM – General Motors

«Рургаз АГ»

«Дойче телеком»

«Дойче баан»

«Женералмоторз»

6. Кундалик турмушда қўлланиладиган нарсалар.



Computer	“Компьютер”
Laser	“Лазер”
Hamburger	“Гамбургер”

7. Мамлакат, шаҳар ва бошқа айрим афсонавий қаҳрамонларнинг номлари транслитерацияси ҳам ўзига хос бўлади.

Griechenland	Греция
Rom	Рим
Mailand	Милан
Den Haag	Гаага
Algerien	Алжир
Babylon	Вавилон (Бобил)
Baeyern	Бавария
Weichsel	Висла
Demosthenes	Демосфен
Herakles	Геракл
Themis	Фемида
Bethlehem	Вифлейем
Letland	Латвия
Litland	Литва
Estland	Эстония

Мавзуга оид машқлар

1-машқ. Немис тилида берилган қуйидаги сўзларни транслитерация ёки бошқа усуллар ёрдамида ўзбек тилига таржима қилинг.

Staedte-, Fluss- und Gebirgsnfnen in Deutschland

Hamburg, Hannover, Wilhelmshaven, Geeshahcht, Oelsnutz, Moers, WanneEckel, Eisenach, Weimar, Mayen, Ueckeritz;

Rhein, Ruhr, Neckar, Elbe, Havel, Donau, Neisse, Warnow, Lech, Iller, Saale, Werra, Ems, Weser, Alster, Elster, Spree, Oder;

Alpen, Eifel, Hunsrueck, Erzgebirge, Schwarzwald, Harz, Elm, Fichtelberg, Rhoen, Fichtelgebirge

BRD-Bundeslaender

Schleswig-Holstein, hamburg, Niedersachsen, Bremen, Nordrhein-Westfalen, Hessen, Rheinland-Pfalz, Baden-Wuerttemberg, Bayern, Saarland, Mecklenburg-Vorpommern, Brandenburg, berlin, Sachsen-Anhalt, Sachsen, Thueringen

Oesterreich

Bundeslaender: Vorarlberg, Tirol, Salzburg, Kaernten, Steiermark, Oberoesterreich, Niederoesterreich, Wien

Kantone Schweiz

Aargau, Appenzell-Innerhoden, Appenzell-Ausserhoden, Bazell-Landschaft, Bazell-Stadt, Bern, Freiburg, Genf, Glarus, GraubuendenJura, Luzern, Neuenburg, Nidwalden, Obwalden, St.Gallen, Schaffhausen, Schwyz, Solothurn, Tessin, Thurgau, Uri, Waadt, Wallis, Zug, Zuerich

Lichtenstein

Balzers, Eschen-Nendeln, Gamprin-Bendern, Mauren-Schaanwald, Planken, Ruggell, Schaan, Schellenberg, Triesen, Triesenberg, Vaduz

2-машқ. *Куйидаги газета ва журналлар номларини таржима қилинг.*

1)“Neue Zuercher Zeitung”, 2) “Berliner Zeitung”, 3) “Neue Zeit”, 4) “Die Welt”, 5) “Frankfurter Allgemeine”, 6) “Sueddeutsche Zeitung”, 7) “Der Stern”, 8) “Der Spiegel”, 9) “Neue Zeit”, 10 “L’Humanite”, 11) “L’Monde”, 12) “Business Week”, 13) “The Guardian”, 14) “Frauen der ganzen Welt”, 15) “The Japan Times”

3-машқ. *Куйидаги шаҳарлар ва мамлакатлар номларини ўзбек тилига таржима қилинг.*

1)Genf (Schweiz), 2) Venedig (Italien), 3) Mexiko-Stadt (Mexiko), 4) Moskau (Russland), 5) Lissbon (Portugiesen) 6) Madrid (Spanien), 7) Marselle (Frankreich), 8) Shanghai (China), 9) Athen (Griechenland), 10) Sao Paolo (Brasilien).

4-машқ. *Куйидаги кашфиётлар ва уларнинг муаллифлари номларини ўзбек тилига таржима қилинг.*

- 1643 Quecksilberbarometer (E.Torricelli, Italien)
- 1650 Luftpumpe (O. v. Guericke)
- 1657 Pendeluhr (C.Huygens, Niederlande)
- 1718 Quecksilberthermometer (G. Fahrenheit)
- 1767 Wagenspinnenmaschiene (J. Hargreaves)
- 1769 Fluegelspinnenmaschiene (R.Arkwright)
- 1820 Elektromagnetismus (H.C.Orsted)
- 1855 Typendrucktelegraf (D.Huges)
- 1858 Dampfstrahlpumpe (H.Giffard)
- 1877 Gasverfluessung (L. Cailletet, Frankreich; R.Pietet, Schweiz)
- 1882 Oberleitungsomnibus (W.v. Siemens)
- 1888 Luftreifen (J.Dunlop)
- 1900 Lichtbogenofen (P.Heroult)
- 1953 Batyskaph (A.Piccard)
- 1969 Mondlandung (N.Armstrong und E.Aldrin, USA)

Ойга кўниш, симоб устуни барометри, ҳаво насоси, маятникли соат, симоб термометри, сурункали ҳаракат қиладиган йигирув машинаси, электромагнетизм, бетискаф, жлектр ёйли иситгичб пневматик шина, троллейбус, газни сиқиш, ҳарфли босма телеграф.

5-машк. *Куйидаги Германия концернлари номларини таржима қилинг.*

- 1) Daimler-Benz (Auto, Elektro, Ruestung), 2) Siemens (Elektro), 3) Volkswagen (Auto), 4) BASF = Badische Anilin- und Sodafabrik (Chemie) 5) Bayer (Chemie), 6) Hoechst (Chemie), 7) Thyssen (Stahl, Maschienenbau, Handel), 8) Bosch (Elektro), 9) Mannesmann (Stahl, Maschienenbau), 10) Man = Maschienenfabrik Augsburg-Nuernberg (Maschienenbau).

5-МАВЗУ

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФЕЪЛЛАР ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Немис тилида отлашган кесим сифатида, унинг замон категорияси (ҳозирги замон) ва уни таржима қилиш муаммолари.

Немис ва ўзбек тилларида феъллар иш-ҳаракатни билдирадилар. Феъллар немис тилида турли аснода класификация қилинади.

1. Морфологик классификация.

а) кучли феъллар (die starken Verben)

б) кучсиз феъллар (die schwachen Verben)

в) модал феъллар (die Modalverben: koennen, wollen, wollen, sollen, muessen, duerfen, moegen)

г) қоидага бўй сунмайдиган феъллар (die unregelmaessigen Verben: sein, haben, werden, stehen, gehen, tun, bringen)

Немис тилида феълларниг уч асосий шакли бор (Infinitiv, Imperfekt, Partizip II)

Ўзбек тилида феъллар бир хил тусланади.

I феъл ўзаги = а + мен

а + миз

II феъл ўзаги = а + сан

а + сиз

III феъл ўзаги = а + ди

а + дилар

2. Синтактик классификация.

Ҳар икки тилда ҳам мавжуд:

а) Мустақил феъллар (Vollverben)

б) Ёрдамчи феъллар (Hilfsverben)

Ёрдамчи феъллар тилда қўлланилиши бўйича қиёсланаётган тилларда бир-биридан фарқ қилади. Немис тилида 3 та ёрдамчи феъл бор: *haben, sein, werden*.

Ўзбек тилида эса анчагина: *олмоқ, бошламоқ, бермоқ, чиқмоқ, юрмоқ, келмоқ, турмоқ, ташламоқ* ва бошқалар

Бу феъллар –иб ёки –а + ёрдамчи феъл. Масалан:

Қайтиб келди, қайтиб келар эди, югуриб келди, ёга бошлади.

Феъллар ҳар икки тилда тўлдирувчига бўлган муносабатга кўра ҳам фарқ қилади:

- 1) ўтимли феъллар (transitiv)
- 2) ўтимсиз феъллар (Intransitiv)

Қиёсланаётган тилларда ўтимсиз феълларни ўтимлига айлантириш учун турлича аффикслар қўлланилади.

Ўзбек тилида – *am*, - *guz*, -*тир*

Немис тилида *-be*, *-er*

antworten auf – beantworten

denken an – bedanken

bitten - erbitten

3. Таркибига кўра.

1) содда феъллар (einfache oder Stammverben)

2) ясама феъллар (abgeleitete verben)

а) аффикслар ёрдамида ясаладиган – префикс (ажраладиган, ажралмайдиган) билан, суффикс билан.

б) аффиксиз

2.2. Феълнинг грамматик категориялари.

а) **Замон категорияси (Kategorie der Zeit, des Tempo)**

Ўзган замон (<i>Vergangenheit</i>) <i>Praet, Perf, Plusqam.</i>	Ҳозирги замон (<i>Gegenwart</i>) <i>Praesens</i>	Келаси замон (<i>Zukunft</i>) <i>Futur I, II</i>
---	--	--

б) **Нисбат категорияси (Katheg. des Genus)**

Иш-ҳаракатнинг субъект ёки объектга бўлган муносабати. Нисбат категорияси фақат ўтимли феълларга нисбатан қўлланилади.

Немис тилида:

- 1) Аниқ нисбат (Aktiv)
- 2) Мажхуллик нисбати (Passiv)

Ўзбек тилида:

- 1) Аниқ
- 2) Ўзлик (-н, -ин, -ил, -лан,) М: юв - ювил
- 3) Мажхуллик нисбати (-л, ил, - ан, - (и)н) М: қур - қурил
- 4) Биргалик нисбати (-ш, -иш, -лаш) М: сўра – сўраш
- 5) Орттирма нисбати (-т, -тир, - дир, -ир, -ар, -из, -гиз, -киз)

в) Майл категорияси (die Kategorie des Modus)

Харакат билан субъект орасидаги алоқанинг воқеъликка муносабати майл категорияси ифодалайди.

Немис тилида:

- 1) аниқлик майли (Indikativ)
- 2) буйруқ майли (Imperativ)
- 3) шарт майли (Konjunktiv)

Ўзбек тилида:

- 1) аниқлик майли
- 2) буйруқ-истак майли
- 3) шарт майли

2.3. Феълларнинг отлашиши

Шахсни ифодаламайдиган шакл отлашган шакл ҳисобланади.

Немис тилида

1. Der Infinitiv I-II

шакли

2. Das Partizip I-II

Ўзбек тилида

1. Феълнинг ноаниқ

2. Иш-ҳаракат номи

3. Сифатдош (Partizip)

4. Равишдош (Adverbial-partizip)

Infinitiv

	Infinitiv I(Aktiv)	Infinitiv II(Aktiv)	Infinitiv I(Passiv)	Infinitiv II(Passiv)
transitive Verben	schreiben	geschrieben haben	geschrieben warden	geschrieben worden sein
Intransitive Verben	kommen schlafen	gekommen sein geschlafen haben	-	

Ўзбек тилида бир феълнинг ўзидан инфикслар ёрдамида турли хил инфинитив (ноаниқ) шакллари яшаш мумкин.

	кўринмок
	кўришмок

кўрмок	кўрилмок кўрдирмок кўрғазмок кўрмоқчи кўра олмок
--------	--

Немис тилидаги феълнинг инфинитив аснода ясалган от ўзбек тилига –иш иш-ҳаракат номи билан –юриш, –ётиш шаклида ифодаланади.

2.4. Die Partizipien (сифатдошлар)

Ўзбек тилида сифатдошлар немис тилига нисбатан бойроқ.

- 1) Ўтган замон сифатдоши – *ган*
- 2) Ҳозирги замон сифатдоши – *ётган*
- 3) Инфинитив (ноаниқ шаклдаги) сифатдош – *диган*
- 4) Ҳозирги замон мажҳул сифатдоши – *илган*
- 5) Ҳозирги, келаси, гумон сифатдоши – *увчи*
- 6) Келаси замон сифатдоши – *(а) р*
- 7) – *жон*
- 8) – *гуси*

6,7,8 шаклдаги сифатдошлар жуда кам ишлатилади.

Немис тилида Partizipнинг икки тури мавжуд.

а) Partizip I

б) Partizip II

Биринчиси тугалланмаган, иккинчиси тугалланган иш-ҳаракатни ифодалайди.

2.5. Adverbielpartizipien (равишдош)

Ўзбек тилида куйидаги равишдошлар мавжуд.

1. – (и)б, *бориб*, -масдан, *бормасдан*
2. – (а)й, *борай*
3. – гач, *боргач*
4. – гунча, *боргунча*
5. – гани, *боргани*, *ёзгани*

Грамматик хусусиятига кўра равишдошлар иккига бўлинади:

а) тусланадиган –б –(иб), а(й): *бориб*, *ишлаб*, *борай*, *ишлай*.

б) тусланмайдиган –гач (кач), - гани (кани), -гунча. Масалан: келгач, эчкач, чикқач, келгани, эккани, чикқани, келгунча, эккунча, чиккунча.

Ўзбек тилидаги равишдошлар замонни ифодалайди.

1. Ўтган замон равишдоши -б, -иб, -гач: бориб, ёзиб, ёзгач.
2. Ҳозирги замон равишдоши -й, -а : кела, ёза.
3. Келаси замон равишдоши -гани, -гунча: боргани, боргунча.

Ўзбек ва немис тилидаги равишдошлар шакл жиҳатидан бир-бирига мос келмайди.

Синтактик вазифасига кўра улар қуйидаги фарқларга эга:

Равиш қўшимчаси	ҳоли	Ўзбек тилида Равиш ҳоли	Немис тилида Partizipl. II
-иб		кулиб гапиреди	sprachlached
		югуриб келди	kam gelaufen
		қйтиб келди	er ist zurueckgekommen
-масдан		ўқилмасдан	ohne zu lesen
-гани		ўқигани	zum lesen
-гунча		болалар келгунча	bis die Kinder zurueckkommen
-гач		уйга келгач	Nach dem als nach hause zurueckgekehrt

6-мавзу

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СИФАТ ВА УНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

1.1. Немис ва ўзбек тилларида сифат ва унинг даражалари.

Нарса, воқеа, ҳодиса кабиларнинг ўзига хос белги ва ички хусусиятларига кўра ифодаловчи тушунча бўлиб, тилшуносликда уни предметнинг белгисини ифодаловчи сўз туркуми дейилади. 2

²Ўзбек тилининг изоҳли дугати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 5 жилдлик. 3-жилд. Б. 528.

Ҳар икки тилда ҳам сифатнинг *оддий (positiv)*, *қиёсий (komparativ)*, *орттирма (supperlativ)* даражалари бор.

Сифат даражалари.

Предметлардаги бир хил белгининг ортиқ камлиги жиҳатидан фарқланчи **сифат даражаси** дейилади. Сифатларнинг қуйидаги даражалари бор: оддий даража, қиёсий ва орттирма даража.

1. **Оддий** даражадаги сифатларда белги бочқа предметлардаги худди чундай белгига қиёсланмайди. Бу даража белгининг одатдаги ме'ёрда еканлигини кўрсатади ва махсус кўрсаткичга (кўчимчага) ега емас: кенг кўча, йачил барг, йахчи одам.

2. **Орттирма** даража предметдаги бир белгининг бочқа предметдаги худди чундай белгига нисбатан энг кўр еканлигини ифодалайди. Орттирма даража қуйидаги усуллар ёрдамида ҳосил қилинади:

- **морфологик усул:** а) сўзнинг биринчи бўғини ажратилиб, унга кейинги бўғиндаги биринчи ундоч қўчилади-да, ёриқ бўғин ҳосил қилинади ва ундан кейин тўлиқ чакли такрорланади: дум-думалок, рак-ракана; б) сўзнинг олдингиикки товучи ажратилиб унга р, м товучларидан бири қўчилади ва ундан кейин сўзнинг ўзи такрорланади: йар-йанги, кўм-кўк; в) сўзнинг биринчи бўғинидан кейин –рра чакли қўчилади: сорра-соғ, тўрра-тўғри.
- **лексик усул:** а) махсус кучайтирувчи сўзлар орқалиифодаланади: энг кичик, ҳаммадан чиройли, зар г'алати, беқиёс чиройли, нақадар улуг'вор, хўр бемаза, чексиз қувончли; б) сўзларни такрорлач воситасида: зўр-зўр (ролвонлар), узундан-узун (кечалар), не-не (олимлар); в) турли сўз бирикмалари, иборалар ёрдамида: ҳаддан зиёд чиройли, мисли қўрилмаган (қаҳромонлик), қўлинг ўргилсин (жонон).

- **лексик семантик усул.** Бунда белги билдирувчи сўзлар олдидан ёки улар ўрнига бочка туркумдаги сўзлар қўлланади: захар (гармдори), олов (бола);
- **фонетик усул:** а) унлилар чўзиб айтилади: тооза, чукуур; б) ундошлар иккиланади: теккис, йумшок.

3. **Қиёсий** даража предметдаги бир белгининг бочка предметдаги худди чундай белгидан ортиқ эканлигини фодалайди. Қиёсий даража оддий даражадаги сифатга -роқ кўчимчасини кўчич ёки сифатдан олдин бир-биридан, ундан ҳам, янада сўзларини келтирич билан ясалади: олма дарахти чафтоли дарахтидан баландроқ. Бир-биридан гўзал, бунда ҳам баттар, йанада кучли.

4. **Озайтирма** даража белги даражасининг нормал даражага йетмаганлигини, нормалдан растлигини фодалайди: 1) кўчимчалар ёрдамида: окич, қизг'ич, қорамтир, -роқ кўчимчаси ҳам озайтирма даражани фодалачда қатнашади (бунда бир нарсадаги белги бочка нарсадаги чундай белгига қиёсланмайди): эскироқ (кийим); 2) сифатдан олдин йарим, ним, оч, хиёл, чизи, сал, айтарли, унча, у қадар сўзларини келтирич билан: йарим очик (ечик), унча катта емас.

Немис тилида сифат даражаларининг ясалиши ўзбек тилидан фарк қилади. Қиёсий даража оддий даражадаги сифат таркибига – ер кўшимчасини кўшиш билан ясалади. Масалан: dick – dicker, schlang – schlanger, schoen – schooner. Немис тилидаги сифатнинг қиёсий даражаси предметлардаги белгиларни ўзаро қимёслашда қўлланилади. Масалан: Kebab ist billiger als Pizza.

Немис тилида сифатнинг орттирма даражаси икки кўринишда ясалади: ўзгарадиган ва ўзгармайдиган. Ўзгарадиган шакли оддий дараждага –(e) st суффикси кўшилиши орқали ясалади ва доимо аниқ артикл билан қўлланилади. Ўзгармайдиган шакли эса, - (e) sten суффиксини ҳамда сифат олдидан – am юкласини олади. Масалан:

klug – der klugste – am klugsten

jung – der jungste – am jungsten

Бир қатор сифатлар борки, улар сифат даражаларини умумий коидаларга бўйсунмай ясайдилар. Масалан:

gut- besser – der beste, am besten

viel – mehr – am meisten

gern – lieber – am liebsten

bald – eher – am ehesten

nah – naechste – am naechsten

1.2. Немис тилидаги сифат даражаларини ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари.

Сифат гапда аниқловчи вазифасида келади. Немис тилидаги гапларда аниқловчи вазифасида келган сифатларни ўзбек тилига таржима қилишда муайян ўзгаришлар бўлади.

1) отлашган сифатлар таржимасидаги таркибий ўзгариш.

Немис тилида

Ўзбек тилида

Allgemeines und Besonderes

Ишсизлар

талабларидаги

die Foerderung der Arbeitslosen

умумийлик ва ўзига

хослик

Бу ўринда немис тилидаги аниқловчи вазифасида келган сифатлар ўзбек тилига ҳам айнан шундай ўгирилади. Аммо ўзбек тилида отлашган сифат гапнинг охирида, немис тилида эса гапнинг бошида, яъни аниқланмишдан аввал келиши билан фарқланади.

2) Немис тилидаги сифатни ўзбек тилига бошқа сўз туркуми билан таржима қилиш.

Немис тилида

Ўзбек тилида

Die wissenschaftlichen (сифат) Erkenntnisse - олимларнинг хулосалари (от)

Die gueltigen (сифат) Prinzipien

- амал қилувчи

тамоишлар (равиш)

3) Таржимада сифат+мураккаб от тартибида келган гапларда сифат позициясининг ўзгариши.

Немис тилида

Ўзбек тилида

Die nationale Wiederentstehung

- миллий қайта тикланиш

Бунда немис тилида биргаликда ёзиладиган от ўзбекча таржимада алоҳида ҳолда ифодаланган. Сифат эса немис тилидаги турланиш ва тусланиш категориялари асосида ўзгаришга учрайди.

4) Сифат таржимасида янги сўзларнинг қўшилиши.

Немис тилида **Ўзбек тилида**
Die internationale Auseinanderzetzungen - *ҳалқаро майдондаги қарама-*

Қаршиликлар

5) Сифат таржимасида сўзларнинг тушиб қолиши.

Немис тилида **Ўзбек тилида**
Die Angehoerigen der Intelligenz -
зиёллар

6) Сифат сўзларнинг таржимада сифат бирикмаларига айланиши.

Немис тилида **Ўзбек тилида**
Die gegenwaertigen gueltigen Prinzipien - *ҳозирги пайтда*
амал қилади
der Preisbildung *баҳолаш*
тамойиллари

7) Сифат бирикмаларининг таржимада сифатга айланиши.

Немис тилида **Ўзбек тилида**
Die 500 km lange Eisenbahnlinie - *беш юз километр*
узунликдаги

темир йўл линияси

8) Ташкилот, партия, вазифаларнинг номларидан иборат сифатларнинг таржималаридаги трансформация.

Немис тилида **Ўзбек тилида**
Die Nationale Sicherheitsrat - *Миллий Хавфсизлик*
Кенгаши

Немис тилидаги қиёсий ва орттирма даражадаги сифат таржимаси

1) Қиёсий даражадаги сифат таржимаси.

Немис тилида

Ўзбек тилида

Das ist eine groessere Strasse

Бу нисбатан

каттароқ кўча

2) Орттирма даражадаги сифат таржимаси

Немис тилида

Die schmalste Spur

Dieses Verfahren ist am modernsten

метод

Ўзбек тилида

энг тор из

Бу энг замонавий

Немистилидаги қиёсий ёки орттирма даражада келган айрим сифатларни контекст тақозоси билан ўзбек тилига турли вариантлар билан таржима қилиш мумкин. Масалан:

Немис тилида

Dieses Auto ist moderner

замонавий

jede groessere Staedte

шаҳалар

Ўзбек тилида

а) бу автомобил замонавийроқ

б) бу автомобил бир қадар

а) ҳар бир каттароқ шаҳар

б) ҳар бир нисбатан катта бўлган

Немис тилидаги бир қатор орттирма ёки қиёсий даражада келган сифатларни ўзбек тилига даражасиз таржима қилинадиган ўринлар ҳам мавжуд:

Немис тилида

Die meissten Firmen sin duns bekannt - *Кўплаб фирмалар бизга*

маълум.

Naeheres erfahren Sie morgen - *Батафсил маълумотларни эртага биласиз.*

Das Ziel ist eine hoehere Effektivitaet – *Мақсад – самарадорликни ошириш.*

Ўзбек тилида

Мавзуга оид машқлар.

1-машқ. Қуйидаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг, бунда сифатлар таржимасига эътибор қаратинг.

1) Die Europaeische Union (EU) –

2) Deutsche Uebersetzergemeinschaft (DUE)

3) Der Internationale Waehrungsfonds (IWF)

- 4) Die Interparlamentarische Union (IPU)
- 5) Die Sozialdemokratische Partei Deutschland (SPD)
- 6) Die Freie Demokratische Partei (FDP)
- 7) Organisation der erdoelexportierenden Laender (OPEK)
- 8) Nationale Luft- und Raumfahrtbehoerde (NASA)
- 9) Die Deutsche Bundesbahn (DB)
- 10) das Auswaertige Amt
- 11) Die Gruenen
- 12) Die Linken

2-машқ. Қуйидаги сўз, бирикма ва гапларни ўзбек тилига таржима қилинг. Улар таркибида сифатларнинг қўлланилиши ва таржималарига эътибор беринг.

a) сарлавҳалар

Bittere Erfahrungen der Assoziation –

Hauptrichtung **gemeinsamer** Aktionen –

Neue Situation – **neue** Aufgaben

Rechtstrend und die Verantwortung der Linken –

Neue Tendenzen des **kapitalistischen** Weltmarkt –

Der “**Wiener** Dialog” weitet sich aus –

б) суҳбатлардан лавҳалар

1) Es regnet immer *staerker*. Hier werden wir *ganz nass*. Wo findet man einen *trockenen* Platz?

2) Setzen Sie sich. Es gibt *viel* Neues. Haben Sie Zeit?

3) Ich brauche *schnell ein kleinen* Geschenk und Blumen. Wo kann man hier *scheoene* Blumen? – Kommen Sie, ich zeige Ihnen ein *gutes* Blumengeschaeft. Aber beeilen Sie sich, sonst kommen wir *zu spaet*.

4) Ich empfehle Ihnen unsere Schwimmhalle. Ist Ihnen eine 25 Meterlange Schwimmbahn recht? Eine *laengere* haben wir leider nicht.

5) Gibt es einen *kuerzeren* Weg? – Nein, das ist *der kuerzeste*.

6) Hier gibt es keine Fehler, wir pruefen jede Uebersetzung aufs *genaueste*.

7) Hier steht man ja nichts. – Komm, ich zeige dir einen *besseren* Platz.

в) Рақам, факт ва маълумотлар.

- 1) Solche grossen betriebe baut man hier nicht. Sie sind unrentabel. Ausserdem gibt es hier gar nicht so viel Platz.
- 2) Unser Weg ist eine bessere Nutzung der Reserven.
- 3) Hier schneit es am haeufigsten. Das ist das schneereichste gebiet des Landes.
- 4) das land produziert mehr landwirtschaftliche Erzeugnisse als Industriewaren.
- 5) Der hoechste berg des Grossen Kaukasus ist der Elbrus.
- 6) Hier gibt es keine Groesseren Industriebetriebe, nur kleine Werkstaetten. Die meisten menschen betreiben Landwirtschaft.
- 7) Die Schweiz importiert verschiedene Roh- und Brennstoffe sowie grossere Mengen Nahrungs- und Futtermittel.

7-МАНВУ

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОН ВА УНИНГ ТАРЖИМАСИ

Сон предметнинг сон-саногини, миқдорини ва тартибини ифодалайди. Сонлар немис ва ўзбек тилларида тартиб жихатдан фарқ қилмасда, ясагиши ва тузулишига кўра ўзига хос томонларга эга. Улар икки гуруҳга бўлинади:

- 1) Санок сонлар (Die Grundzahlwoerter)
- 2) Тартиб сонлар (Die Ordnungszahlwoerter)

Санок сонлар ҳам икки хил бўлади:

1) Содда сонлар (einfache Zahlwoerter): eins, zwei, drei, vier, fuenf, sechs, sieben, acht, neun, zehn, elf, zwoelf, hundert, tausend, eine Million, eine Milliarde.

2) Ясама сонлар:

- 13 дан 19 гача бўлган сонлар: derizehn, vierzehn, fuenfzehn, sechszehn, siebzehn, achtzehn, neunzehn;
- Ўнликлар: 20- zwanzig, 30- dreizig, 40 – vierzig, 50 – fuenfzig, 60- sechszig, 70-siebzog, 80-achtzig, 90 – neunzig.

3) 21дан 99 гача бўлган кўшма сонлар. Улар немис тилида “und” боғловчиси орқали ясалади: 21- einundzwanzig, 32 – dreiundzwanzig, 56 – sechsundfuenfzig. Немис тилида йиллар

Ўқилиши ҳам ўзига хос бўлади: 1999 – neunzehnhundertenundneunzig.

Немис тилида тартиб сонлар (die Ordnungszahlwoerter).

Немис тилида тартиб сонлар предметнинг тартибини билдириб, нечанчи? (der wievielte?), сўрогига жавоб беради. Улар куйидагича ясалади:

- 1) 2дан 19 гача бўлган тартиб сонлар – те кўшимчасини кўшиш билан: der vierte November, der fuenfte Maerz. Аммо истисно тариқасида: eins – erste, drei – dritte, acht – achte.
- 2) 20 ва ундан кейинги санок сонлардан тартиб сонлар ясалганда:
- ste кўшимчаси кўшилади: der zweiundzwanzigste, der dreiundzwanzigste

Тартиб сонлар немис тилида доимо аниқ артикл билан қўлланилади ва сифатлар каби турланади.

О'zbek tilidagi sonlar nemis tilidagi sonlardan o'zining leksik va Grammatik xususiyatlari bilan farqlanadi

О'zbek tilidagi sonning leksik-grammatik ta'rifi.

Sonning nomini, narsa-buyumning son-sanog'ini, tartibini bildirgan so'zlar turkumi son deyiladi. Son necha? qancha? nechta? nechanchi? kabi so'roqlarga javob bo'ladi. Sonlarning morfologik xususiyatlari: 1) sonlar juft, dona, metr, siqim kabi hisob so'zlari bilan qo'llana oladi; 2) so'z o'zgartiruvchi qo'shimchalar sonning hamma turlariga ham qo'shilavermaydi; 3) boshqa so'z turkumlaridan son yasalmaydi. Sonning sintaktik xususiyatlari: 1) doim otlar bilan birga qo'llanadi; 2) sonlar hech qachon belgi ifodalovchi so'zlarni o'ziga tobe qilib kelmaydi; 3) sonlar ot oldida aniqlovchi bo'lib kelganda, u bilan birikib yaxlit bir bo'lak vazifasini bajaradi: Uch dugona kelishyapti; 4) son va sifat aniqlovchi bo'lib kelganda, oldin son keyin sifat keladi: ikkita chiroyli kuylak. 5) sonlar gapda ko'pincha aniqlovchi va kesim vazifasida keladi: Maqsadimiz bitta. Beshta qalam oldi.

Sonlarda quyidagi xususiyatlar ham mavjud: 1) omonimlik: yuz (son) – yuz (chehra), uch (son) – uch (harakat), qirq (son) – qirq (harakat), yigirma (son) – yigirma (harakat); 2) sinonimlik: bir – yakka, ikki – juft; 3) paronimlik: yetti – yetdi.

Sonlar ko‘pincha raqamlar bilan yoziladi:

1. Arab raqamlari bilan 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8,9.
2. Rim raqamlari bilan: birliklar: I (1), II (2), III (3), IV (4), V (5), VI (6), VII (7), VIII (8), IX (9); o‘nliklar: X (10), XX (20), XXX (30), XL (40), L (50), LX (60), LXX (70), LXXX (80), XC (90); yuzliklar: S (100), CC (200), CCC (300), CD (400), D (500), DC (600), DCC (700), DCCC (800), CM (900); mingliklar: M (1000), MM (2000), MMM (3000)

O‘zbek tilida sonning ma‘no turlari.

Sonlar ma‘no va grammatik jihatdan olti xil bo‘ladi:

1. Miqdor (sanoq) son bir turdagi narsa-buyumlarning umumiy sonini, miqdorini bildiradi: bir mashina, ikki odam, o‘n besh kishi. Nutqimizda bir so‘zi miqdor ifodalashdan tashqari quyidagi ma‘nolarni ham ifodalaydi: 1) noaniqlik (bunda u qandaydir olmoshiga sinonim bo‘ladi): Eshikni bir kishi taqillatyapti; 2) kuchaytiruv (bunda u juda so‘ziga sinonim bo‘ladi): Bir yugurdim, bir yugurdim; 3) ketma-ketlik (bunda u dam, goh bog‘lovchilariga sinonim bo‘ladi): Bir menga, bir unga qaraydi; 4) chegaralash (bunda u faqat yuklamasiga sinonim bo‘ladi): Hamma keldi, bir Ahmad kelmadi; 5) tenglik (bunda u teng so‘ziga sinonim bo‘ladi): Qonun oldida hamma bir. Dona son narsa-buyumning donalab sanaladigan miqdorini bildiradi.
2. Dona son miqdor (sanoq) songa -ta qo‘shimchasini (jonli-jonsiz narsa nomlariga birika oladi) qo‘shish yoki dona (narsa nomlariga birikadi), nafar, bosh (mavjudot nomlari bilan birikadi), tup (o‘simlik nomlari bilan birikadi) so‘zlarini keltirish yordamida

hosil qilinadi: beshta qush, uch dona non, o'n nafar odam, yuz bosh qo'y.

3. Tartib son narsa-buyumning sanoqdagi tartibini bildiradi. Tartib son unli bilan tugagan miqdor songa -nchi, undosh bilan bitgan miqdor songa -inchi qo'shimchasini qo'shish orqali hosil qilinadi: birinchi, ikkinchi. Tartib sonlar arabcha raqamlar bilan ifodalansa, bu qo'shimcha yozilmaydi, raqamdan keyin chiziqcha qo'yiladi. Rim raqamlari bilan ifodalansa, chiziqcha ham qo'yilmaydi: 2-brigada, X sinf. Tartib sonlar ma'no jihatidan sifatlarga yaqin turadi va ularning ayrim turlari sifat turkumiga ko'chishi ham mumkin: Yettinchi lampa, o'ninchi (yoki qirqinchi) ip, yuzinchi lampochka. Shuningdek, birinchi tartib sonining o'rnida ilk, dastlabki, asosiy, avvalgi, eng yaxshi degan sifatlarni sinonim tarzida qo'llash mumkin. Kirilcha yozuvda yil va oyni ko'rsatuvchi arab raqamlaridan keyin chiziqcha qo'yilmaydi: 1998 yil, 15 fevral.
4. Chama son narsa-buyumlarning taxminiy sonini bildiradi va quyidagicha hosil bo'ladi: 1) miqdor songa -tacha qo'shimchasini qo'shish orqali: o'ntacha mashina; 2) miqdor songa -lar, -larcha qo'shimchasini qo'shish bilan: Soat birlar edi. Yuzlarcha bola yig'ildi. 3) miqdor songa -lab qo'shimchasini qo'shish bilan: Minglab odam; 4) ikki miqdor sonni juft keltirish bilan: besh-olti, uch-to'rt.
5. Jamlovchi son narsa-buyumning umumiy sonini bildiradi va miqdor songa quyidagi qo'shimchalarni qo'shish bilan yasaladi: a. -ov qo'shimchasini qo'shish bilan: uchovi, to'rtovi; b. -ala qo'shimchasini qo'shish bilan: ikkala, uchala; c. -ovlon qo'shimchasini qo'shish bilan: beshovlon, oltovlon; Ikki, olti, yetti miqdor sonlaridan jamlovchi son hosil qilinganda, o'zakdagi i tovushi tushib qoladi: ikkovi, oltovi, yettovi. Uch, to'rt sonlariga -ala qo'shilganda, uchchala, to'rttala tarzida aytilsa ham, uchala, to'rtala deb yoziladi. Jamlovchi sonlar ko'pincha 1 dan 7 gacha bo'lgan sonlardan yasaladi (o'nala, o'novi shakllari uchraydi) va ma'no jihatdan otlarga yaqin turadi.

6. Taqsim son narsa-buyumlarning taqsimlanish miqdorini anglatadi va miqdor songa -tadan qo'shimchasini qo'shish bilan hosil qilinadi: ikkitadan, o'ntadan, yuztadan. Ba'zan miqdor son takrorlanib, taqsim son yasalishi mumkin: Ikki bo'lib yurdik. Miqdor bildiruvchi so'z qatnashsa, -ta tushiriladi: beshtadan -besh kilogrammda

Sonlarning tuzilish jihatdan turlari.

Sonlar tuzilish jihatdan quyidagi turlarga bo'linadi:

1. Sodda sonlar bir o'zakdan hosil bo'ladi: bir, uch.
2. Qo'shma sonlar ikki yoki undan ortiq sonning birga yozilishidan tuziladi: o'n uch, bir yuz o'n, sakkiz.
3. Juft sonlar ikkita turli o'zakning juftlashishidan tuziladi: besh-olti, yetti-sakkiz, o'n besh-o'n olti.
4. Takroriy sonlar bir o'zakning takrorlanishidan tuziladi: ikki-ikki, to'rtta-to'rtta, o'nta-o'nta.

Juft va takroriy sonlar chiziqcha bilan yoziladi. Tilchi olimlar sakson va to'qson sonlarining sakkiz va o'n, to'qqiz va o'n so'zlaridan tuzilganligini aniqlashgan.

Немис ва ўзбек тилларидаги сонларнинг ясалишига кўра қиёсий типологияси

Немис тилида	Ўзбек тилида
1.Содда сонлар (einfache Zahlwoerter): eins, zwei,drei, vier, fuenf, sechs	1. Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти
1.1. Мураккаб сонлар: einundzwanzig, zweiundzwanzig	1.1. Йигирма бир, йигирма икки

1.2. Дона сонлар: eins, zwei,drei, vier, fuenf	1.3. Битта, иккита, учта, тўртта, бешта
1.3.Жамловчи сонлар: beide zwei, alle fuenf	1.3. иккала, бештала
1.4. Чама сонлар: einige, zirka hundert, ungefaehr zehn, etwa tausend	1.4.Бир неча, юзта атрофида,ўнтача, беш-олтита, мингтача
1.5. Тақсим сон: auf+	

8-МАВЗУ

НЕМИС ТИЛИДАГИ СОНЛАРНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМАСИ

Санок сонлар таржимаси:

Немис тилидаги **санок сонларни** ўзбек тилига таржима қилишда қуйидаги хусусиятлар мавжуд:

- 1) содда санок сонларда шаклий ўзгариш йўқ: eins - бир, zwei - икки, drei - уч, vier - тўрт ...
- 2) мураккаб санок сонларнинг ўзбек тилидаги таржимасида сонлар ажратиб ёзилади: dreizehn – ўн уч, vierzehn – ўн тўрт, einundzzwanzig – йигирма бир, fuenfundsechzig – олтмиш беш ...
- 3) Катта санокни ифодаловчи санок сонлар ўзбек тилига қисқартирилган ҳолад ҳам ўгирилиши мумкин: 30 000 000 – 30 млн.

Тартиб сонлар таржимаси:

- 1) немис тилидаги каби ўзбек тилида ҳам тартиб сонлар аниқловчи вазифасида келаверади: der erste September - биринчи сентябр.

2) Немис тилидаги саноқ тартиб сонлар йил, ой, кунларнинг номларини ифодалаганда уларни ўзбек тилига ўгиришда айрим ўзгаришлар бўлади: der vierte Oktober 1990 – 1990 нчи йилнинг тўртинчи октябри.

3) Немис тилида асрлар араб рақамида ёзилади ва улар ўзбек тилига рим рақамлари билан таржима қилинади: der 19. Jahrhundert – XIX аср.

Немис тилидаги сонлар билан қўлланиладиган *im* ва *auf* предлоглари таржимаси.

Немис тилидаги расмий ҳужжатлар ва ахборот-маълумот мазмунига эга бўлган матнларда кўпинча турли рақамлар келтирилади. Улар билан қўлланилган предлоглардан *im* ва *auf* ларни ўзбек тилига ўгиришда айрим ўзига хосликлар мавжуд. Бунда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш лозим:

Немис тилида

Ўзбек тилида

1) Gewinn des Konzerns stieg
даромади

- Концерннинг ўтган йилги

im vergangenen Jahr **um** 26 Prozent. 26 фоизга ошди.

2) Die Ausgaben fuer Forschung und
Entwicklung erhoekten sich **auf**
млрд.

- Илмий тадқиқот ишлари ва
тараққиёт учун маблағ 1

1,104 Mrd. sfr.

104 млн. Швецария

франкига ошди

3) Der Strom aus Kernbrennstoff ist
электроэнергия

- АЭСдан олинган

1985 gegenueber 1970 **um** das 25
йилга *fache* ausgestiegen.

ҳажми 1985 йилда 1970
йилга

нисбатан 25 **баробар** ошди.

4) Im vorigen Jahr werden **an** die
русумдаги ав-

Ўтган йили мана шу

5000 Autos dieses Typs verkauft.

томобиллардан 5000

атрофида сотилди

5) Der Anteil der Chemieindustrie
умумий

Кимёвий ишлаб чиқариш

An der gesammten Industrieproduktion des Landes liegt bei 63,5 Prozent.
6) Die Verkaufsquote wurde mit 102 Prozent erfuehlt.

саноат ишлаб
фоизини ташкил қилади.
Сотиш квотаси 102
бажарилди.

Мавзу бўйича машқлар.

1-машқ. *Қуйидаги саноқ сонларни ўзбек тилига таржима қилинг.*

Einundzwanzig, vierundzwanzig, fuenfundfuefzig,
zweiundneunzig, einundzwanzig, zweiunddreizig, sechsunsiebzig,
achtundachtzig, siebenundsiebzig, neunundachtzig, hunderteins.

2-машқ. *Қуйидаги саноқ сонларни немис тилига таржима қилинг.*

Йигирма бир, йигирма икки, йигирма уч, саксон бир саксон икки, саксон уч, тўқсон беш, тўқсон олди, етмиш бир, етмиш тўрт, етмиш саккиз, етмиш олти, қирқ бир, қирқ икки, қирқ уч, қирқ тўрт, ўн олти, ўз саккиз.

3-машқ. *Қуйидаги саналарни ўзбек тилига таржима қилинг. Бунда тартиб сонларнинг таржимасига эътибор беринг.*

Im Jahr neuzehnhundertneunneuzig, im Jahr neunzenhunderteinundneunzig, im Jahr zweitausengvierzehn, im Jahr zweitausendelf, im Jahr zweitausendzehn, der vierzehnte November.

4-машқ. *Қуйидаги саналарни немис тилига таржима қилинг. Бунда тартиб сонларнинг таржимасига эътибор беринг.*

Биринчи сентябрь, саккизинчи март, йигирма биринчи март, саккизинчи декабр, еттинчи октябр, йиширма биринчи октябр, ўттир биринчи октябр, иккинчи июнь, бир минг тўқиз юз тўқсон еттинчи йил.

5-машқ. *Қуйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг. Бунда сонларнинг қўлланилиши ва таржималарига эътибор беринг.*

1) Globale Probleme heute und im Jahr 2014; 2) Zum 250. Geburtstag von Johan Wolfgang Ghoethe; 3) Zum 125. Todestag von Alexander

von Humboldts; 4) Ins dritte Jahrtausend ohne Kernwaffen; 5) Erste Ergebnisse eines Forschungszentrums; 6) Die Weltmarktcrise bis 2014; 7) Die Rede des Papsten Johannes XXIII im Mai 1963.; 8) Am Anfang des 21. Jahrhunderts.

6-машқ. *Қуйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.*
Бунда сонлар билан қўлланилган предлогларга эътибор беринг.

Internationale Auktion

Sankt-Petersburg. Am ersten Tag der 105. Rauchwarenauktion in Sankt-Petersburg wurden bereits alle angebotenen 1 150 450 Standard-Nerzfelle versteigert. Bei den versteigerungen in der Newa-Stadt sind rund 250 Firmen aus 25 Laendern Europas, Asiens und Amerikas vertreten.

Symposium ueber Sicherheit

Florenz. Fragen der globalen Sicherheit bis zum Jahre 2020 standen im Mittelpunkt eines dreitaegigen internationalen Symposiums, das am Donnerstag in Florenz beendet wurde.

Kosmos-Satellit gestartet

Moskau. Der 1803. Satellit der Kosmos-Serie ist in Russland gestartet worden.

Braunkohlevorkommen

Belgrad. Ein grosses Braunkohlevorkommen ist in der Fruska Gora, einem Gebirgszug nahe der Slovenien Stadt Novi Sad, entdeckt worden.

9-МАВЗУ

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ГАП ВА УНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ГАПДА ФЕЪЛНИНГ ЎРНИ

Сўзлар воситасида англашилган тугал фикр *гап* дейилади.
Немис ва ўзбек тилларидаги гапларнинг ўхшаш икки хусусияти бор. Аммо шундай бўлса ҳам улар бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатларга эга:

1. Гапнинг икки бўлакчилиги: эга ва кесим. Ўзбек тилида гоҳида эга гапда тушиб қолиши ҳам мумкин.

2. Гапда ҳар доим феълнинг иштирок этиши. Ўзбек тилида отлашган кесим ҳам келиши мумкин.
3. Гапда кесимнинг ўрни. Немис тилида кесим доимо иккинчи ўринда келади (мураккаб феъл кесимда унинг тусланадиган қисми иккинчи ўринда, асосийси эса гапнинг охирида келади.) Ўзбек тилида доимо гапнинг охирида келади.
4. Рамали конструкция.

Гап турлари.

1. Ифода мақсадига кўра
2. Структурасига кўра
3. Мантиқий мазмунига кўра

1. Ифода мақсадига кўра гаплар:

- а) дарак гап
- б) сўроқ гап
- в) буйруқ гап

2. Структурасига кўра

- а) Содда гап (einfache Satz)
- б) Кўшма гап (zusammengesetzte Saetze)

Содда гап: бир таркибли, кўп таркибли гапларга бўлинади. Бир таркибли гаплар фақат бош бўлак: эга ва кесимдан иборат бўлади. Кўп таркибли гапларда иккинчи даражали бўлақлар: аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол ҳам бўлади.

Шахссиз ва шахси номаълум гаплар (Unpersoehnliche und unbestimmt Persoehnliche Saetze). Немис ва ўзбек тилларида шахссиз гаплар ўзаро мос келмайди.

Es regent – ёмғир ёғаяпти

Es friert mich – совуқ қотаяпман

Es blitzt – яшин чақнаяпти

Немис тилига нисбатан ўзбек тилида шахссиз гаплар кўпроқ.

1. Сизни топиб бўлмайди.
2. –иш + керак. Уни топиш керак.
3. Москвага борилади.
4. Тўғри келади.

Шахссиз гаплар таржимаси.

Немис тилидаги шахссиз гаплар таркибида келган – es шахссиз олмошини учинчи шахс бирлигидаги – es кишилик олмоши учинчи шахс бирликда қўлланиладиган (средний род) дан фарқ қила билиш керак. Масалан:

Beschaffen Sie mir bitte dieses Buch. **Es** interessiert mich –

Ўзбекча таржимаси:

Илтимос, менга шу китобни топиб берсангиз. У мени қизиқтиради.

Бу гаптаги – es учинчи шахс бирликни ифодаладиган олмошдир.

Бундан ташқари – es кўрсатиш олмоши вазифасида ҳам келиши мумкин:

Endlich sind Sie da! **Es** freut uns. – Ниҳоят сиз шу ердасиз! **Бу** мени жуда хурсанд қилди.

Шунингдек, – es турли бирикмалар таркибида ҳам келиб, улар таржимада тушириб қолдирилади:

Es bestehen zwei Möglichkeiten - Икки хил имконият бор.

Немис тилидаги шахссиз гап таркибида келган – es ўзбекча таржимада куйидагича ифодаланеди:

Равиш сифатида

Es schneit – *қор ёғмоқда*

Wie gefaellt **es** Ihnen hier? – *Сизга бу ер қанчалик ёқди?*

От+фёъл сифатида

Es ist warm – *Иссиқ*

Сўз бирикмалари таркибида

Wie geht **es** Ihnen? – *аҳволлар қалай?*

Wie spaet ist **es**? – *соат неча бўлди?*

Gibt **es** hier Museen? – *Бу ерда Музейлар борми?*

Шахси номаълум гаплар ва уларнинг таржимаси

Немис тилида шахси номаълум гапларда эга вазифасини - тап олмоши бажариб, кесим ўрнида эса 3-нчи шахс бирликдаги фёъл келади. Масалан:

Wie bekommt **man** hier die Ware? – Бу ерда товарни қаердан олиш мумкин?

Man ist nicht immer zufrieden – Одамлар доим ҳам хурсанд бўлавермайдилар.

Эътибор берилган бўлса, ўзбекча таржимада гапнинг шахси номаълумлигини - *олиш* сўздан билиб олинса, иккинчисида немис тилидаги шахси номаълум гапдаги номаълум эга ўрнига таржимада –*одамлар* (маълум, аммо айнан қайси одам эканлиги номаълум) тарзида ўгирилган. Яъни ўзбекча таржимада гапнинг эгаси анча аниқлашиб қолганлигини кўришимиз мумкин.

Немис тилидаги шахси номаълум гаплар таркибидаги - *man* олмоши ўзбек тилига турлича таржима қилинади:

1) Немис тилидаги бирликда - *man* билан биргаликда келган кесим ўзбек тилига 3- шахс кўкликда таржима қилинади.

Man diskutiert die Wege der Zusammenarbeit – Ҳамкорлик йўллари муҳокама қилинмоқда.

2) Немис тилидаги инфинитив гап таркибида келган - *man* ўзбек тилига бирликда келган мажхул нисбатдаги феъл кесим билан таржима қилинади:

Wie uebersetzt man diesen Satz? – Бу гапни қандай таржима қилинади?

3) Немис тилидаги феъл кесим билан келган - *man* ўзбек тилидаги гапда от+кесимга айланиши ҳам мумкин:

Man verhandelt erfolgreich – Музокаралар муваффақиятли бормоқда.

4) Немис тилидаги - *man* ўзбек тилига гумон олмошлари билан таржима қилиниши мумкин:

Manchmal besucht man uns – Баъзан кимдир бизникига келиб туради.

5) Немис тилидаги *manchmal* (баъзан) билан келган - *man* ўзбек тилига иккинчи шахс бирликдаги феъл-кесим билан ҳам таржима қилиниши мумкин:

Manchmal liest man ein Buch – Баъзида китоб ўқиб турасан.

Мавзуга оид машқлар.

1-машқ. Қуйидаги суҳбатга оид лавҳаларни ўзбек тилига таржима қилинг. Бунда - *man* ва - *es* нинг қўлланилиши ва таржимасига эътибор беринг.

1. Wie geht es Ihnen, Herr Taube? – dan, es geht mir gut.
2. Wo bekommt **man** Zeitungen und Zeitschriften? – Unten gibt es einen Zeitungskiosk.
3. Machen Sie heute einen Spaziergang? – Leider nein. Es ist zu kalt.
4. Wie erfährt **man** den Dollarkurs? – Rufen Sie die Information an. Dort sagt **man** alles.
5. Spricht man hier deutsch? – Ja, bitte. Was wünschen Sie?
6. Wie bestellt **man** ein Taxi? – Jetzt geht es leider nicht. Es ist zu spät.
7. Wie gefällt es Ihnen hier? Gibt es Probleme? – danke, ich bin sehr zufrieden. **Man** fühlt sich wie daheim.

2-машқ. *Куйидаги газета маълумотлари ва эълонлар мавзусидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг. Бунда - тап ва - ес нинг қўлланилиши ва таржимасига эътибор беринг.*

1. Es gibt auch Schwierigkeiten, aber es geht vorwaerts. Man sieht die Perspektive.
2. Wie verhindert man einen Krieg? – Es gibt nur einen Weg – den Weg der Verhandlungen und der Zusammenarbeit.
3. Die Handelsbeschränkungen widersprechen den Interessen aller Partner. Es ist ein Wandel nötig.
4. Die konferenztteilnehmer erörtern Probleme des Umweltschutzes. Man diskutiert die Möglichkeiten der Zusammenarbeit. Es gibt viele Vorschläge, es ergeben sich viele Kontakte.
5. Dieses Programm entspricht unseren Interessen. Wir begrüessen es und führen es zielstrebig durch.
6. Es gibt einige kandidaten. Welchen wählt man? Es bedarf einer Diskussion.
7. Diese Vorschläge finden nicht ueberall Gehoer. Manchenorts zweifelt man.

3-машқ. *Куйидаги гапларни немис тилига таржима қилинг. Бунда шахссиз ва шахси номаълум сўзларнинг таржимасига эътибор беринг.*

1. Ёмғир ёғмоқда. Искарига кириш ёки ёмғирпۇш олиш керак.
2. Ўтиринг. Афсуски, сизга яхши гап айтолмайман. Бу ерда сабр қилиш керак.
3. Менга гулдаста керак. Қаердан сотиб олиш

мумкин? Шошилишим керак. Акс ҳолда кеч қоламан. 4. Сизга сузиш бассейнимизни таклиф қилишимиз мумкин. Бизда фақат 25 метрлиги бор. Афсуски, бошқаси бизда йўқ. 5. Манзилга борадиган қисқароқ йўл борми? Йўқ. Шуниси энг қисқаси. 6. Бу ерда ҳеч нарса кўриб бўлмайдими-ку! Кетдик, сенга яхшироқ жойни кўрсатаман.

Номинатив гаплар.

Кесимсиз гаплар бир таркибли ёки номинатив гаплар дейилади.

Бундай гаплар тилда кенг тарқалган. Масалан:

Немис тилида

Ўзбек тилида

Herbst. Wald. Blaetter. Der Geliebte

Куз. Ўрмон. Ҳазон. Ошиқ

йигит.

Номинатив гаплар турли сўз туркумлари орқали ифодаланиши мумкин.

От орқали:

жумжумлик

Сифат+от

кечки пайт

Равиш+от

ҳамма ёқ чўл

Тўлиқсиз гаплар. (Unvollstaendige Saetze)

Тўлиқсиз гаплар контекстга қараб осонликча тўлдирилиши мумкин бўлган, таркибининг бир қисми тушиб қолган гаплардир. Бундай гаплар ҳар икки тилда ҳам мавжуд

Немис тилида

Ўзбек тилида

Was studieren Sie denn,

Яхши йигит, қайси соҳада

ўқийсиз?

Jungen Mann? - fragte sie

деб сўради қиз

Эганинг ўрнига кўра гап турлари.

2. Шахси маълум (Persoehnliche)
3. Шахси номаълум (Unbestimmt-persoehnliche)
4. Шахссиз (unpersoehnliche)

10- МАВЗУ

ҚЎШМА ГАПЛАР (DIE ZUSAMMENGESETZTE SAETZE)

Қўшма гаплар икки гапдан иборат бўлади. Улар икки хил бўлади:

1. Боғланган қўшма гап (die Satzreihe)
2. Эргаш гапли қўшма гап (die Satzgefuege)

Боғловчилар:

2. Бириктирувчи боғловчи (Kopulative Satzverbindung)
3. Айирувчи боғловчи (Partitive Satzverbindung)
4. Зидловчи боғловчи (Adversative Satzverbindung)
5. Сабаб ва мақсад боғловчи (Kausal-Konsekutive Satzverbindung)

1. Бириктирувчи боғловчи (Kopulative Satzverbindung)

Ўзбек тилида

- ва, - ҳамда, - ю, - да
auch,

- на – на

2. Айирувчи боғловчи (Partitive Satzverbindung)

аммо, лекин, бироқ, балки

-у, - ю, - фақат,

- ё, - ёки, - ё бўлмаса

3. Зидловчи боғловчи (Adversative Satzverbindung) :гоҳ ... гоҳ,

баъзан баъзан - bald bald, halb halb

4. Сабаб ва мақсад боғловчи (Kausal-Konsekutive Satzverbindung)

чунки, нечаки, шунинг учун - denn, dacher, deshalb

Боғловчисиз боғловчилар

Ўзбек тилида

Профессор келди ва талаба
лар ўрниларидан турдилар

Немис тилида

Der Professor kommt, die Stu
denten stehen auf.

Кундузи иссиқ, кечаси совуқ
nacht ist
es kalt.

Am Tage ist es heiss, in der

Эргашган қўшма гап ва унинг таржимаси

Икки ёки ундан ортиқ гапдан ташкил топиб, маъно, грамматик ва интонацион бутунликни ташкилловчи ил этган гапга эргашган қўшма гап дейилади. Эргаш гап бош гапга боте бўлиб келади.

Эргаш шап гапдаги ўрнига кўра:

2. Олдинда келган эргаш гап (Vordersatz)
3. Кейинда келган эргаш гап (Nachsatz)
4. Оралиқда келган эргаш шап (Zwischensatz)

Немис тилида эргаш гапларнинг синтактик вазифасига кўра:

1. Эга эргаш гапли қўшма гап (Subjektsaetze)
2. Кесим эргаш гапли қўшма гап (Praedikatsaetze)
3. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап (Objektsaetze)
4. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап (Alternativsaetze)
5. Пайт эргаш гапли қўшма гап (Temporalsaetze)
6. Шарт эргаш гапли қўшма гап (Konditionalsaetze)
7. Сабаб эргаш гапли қўшма гап (Kausalsaetze)

Ўзбек тилида эргашган қўшма гаплар

ERGASHGAN QO`SHMA GAPLAR

ERGASHGAN QO`SHMA GAP HAQIDA MA'LUMOT

Qismlari ergashtiruvchi bog`lovchilar yoki shunday bog`lovchi vazifasidagi so`zlar yordamida bog`langan qo`shma gaplar ergashgan qo`shma gaplar hisoblanadi.

BOSH VA ERGASH GAP

Ergashgan qo`shma gaplar, tarkibida nechta gap bo`lishidan qat`iy nazar, doimo ikki qismdan tashkil topadi: 1) bosh gap; 2) ergash gap. Mazmuni izohlanayotgan gap *bosh gap*, bosh gap mazmunini izohlayotgan gap *ergash gap* hisoblanadi.

Ergashgan qo`shma gaplar, asosan "B_i, yoki bog`lovchi qoli pida ifodalanadi.

Eslab qoling. Ergashgan qo`shma gaplar tuzilishiga ko`ra so`z birikmalariga o`xshaydi. So`z birikmasi tarkibidagi so`zlar nechta bo`lishidan qat`iy nazar, doimo ikki qismdan - *hokim* va *tobeso`zlardan* tashkil topadi.

ERGASH GAPNI BOSH GAPGA BOG`LOVCHI VOSITALAR

Ergash gaplar bosh gapga quyidagi vositalar yordamida bog`lanadi: 1) ergashtiruvchi bog`lovchilar; 2) ko`makchili qurilmalar (*shuning uchun, shu sababli, shu tufayli va boshqalar*); 3) yuklamalar f-ki); 4) nisbiy so`zlar (*kim - o`sha, nima-shu, qayer-shu yer va boshqalar*); 5) *deb so`zi* va boshqalar.

Ergashtiruvchi bog`lovchili ergashgan qo`shma gaplar

Bosh gapda ifodalangan mazmunning sababi, maqsadi, sharti yoki qiyosini bildirgan ergash gaplar *bosh gapga sabab (chunki, negaki), maqsad (toki), shart (agar, agarda, basharti, mabodo), qiyoslashchog`ishtiruv (go`yo, go`yoki, xuddi)* ergashtiruvchi) bog`lovchilari yordamida bog`lanadi. Sabab, maqsad, qiyoslashchog`ishtiruv bog`lovchilari ergash gap boshida qo`llanadi va ergash gap bosh gapdan so`ng keladi. Bunday vaqtda yozuvda ergash gap bosh gapdan vergul bilan ajratiladi. Shart bog`lovchilari gap boshida keladi. Ergash gap kesimi shart maylidagi fe`llar bilan ifodalanadi. Bunday ergash gaplar bosh gapdan oldin keladi. Ko`pincha shart bog`lovchilari qo`llanmasa ham, va shart mayli shakli qo`shma gap qismlarini bog`layveradi.

Ko`makchili qurilmalar yordamida ergashgan qo`shma gaplar

Bosh gapda ifodalangan mazmunning sababini bildiruvchi ergash gaplar bosh gapga *shuning uchun, shu sababli, shu tufayli* singari ko`makchili qurilmalar vositasida bog`lanadi. Ular bosh gap tarkibida keiadi

DEB SO`ZI YORDAMIDA ERGASHGAN QO`SHMA GAPLAR

Bosh gapda ifodalangan mazmunning maqsadini, sababini bildiruvchi ergash gaplar bosh gapga ko`pincha *deb so`zi* yordamida bog`lanadi va ergash gaplarning kesimi III shaxs buyruq mayli shaklidagi fe`llar bilan ifodalanadi. Bunday gaplar tarkibidagi *deb so`zi uchun* ko`makchisi bilan rna`nodosh sanaladi, stuning uchun bir-biri bilan erkin almashisha oladi. Ergash gaplar yozuvda bosh gapdan vergul bilan ajratiladi.

SHART MAYLI VOSITASIDA ERGASHGAN QO`SHMA GAPLAR

Ergash gapning kesimi shart mayli shaklidagi fe'llar orqali ifodalanganda, shart mayli qo`shimchasi ergash gapni bosh gapga bog'lovchi vosita ham sanaladi. Bunday ergash gaplar bosh gapda ifodalangan mazmunning yuzaga chiqish yoki chiqmaslik shartini, paytini bildiradi. Yozuvda ergash gap bosh gapdan vergul bilan ajratiladi.

KO`RSATISH OLMOSHILI ERGASHGAN QO`SHMAGAPLAR

Bosh gap tarkibidagi ko`rsatish olmoshi ma'nosini izohlash uchun qo`llangan ergash gaplar bosh gapga *-ki* yuklamasi yordamida bog'lanadi. Bu yuklama bosh gap kesimi tarkibida bo`ladi va ergash gap bosh gapdan vergul bilan ajratiladi.

Ba'zan bu bo`lak qo`llanmasligi ham mumkin, ammo uning o`rni bilinib turadi.

NISBIY SO`ZLI ERGASHGAN QO`SHMAGAPLAR

Ergash gap tarkibida qo`llanuvchi *kim, nima, qancha, qanchalik, qanday, qayer* kabi so`roq olmoshlari va bosh gap tarkibida unga javob bo`lib keluvchi *shu, o`sha, shuncha, shunchalik, shunday* kabi olmoshlar bir-biriga nisbatan qo`llanganligi, biri ikkinchisini taqozo etganligi uchun nisbiy so`zlar hisoblanadi. Ergash gapning kesimi shart mayli shaklidagi fe'llar bilan ifodalanadi.

Ergashgan qo`shma gaplarning sodda gap bilan ma'nodoshligi

Tarkibida ko`rsatish olmoshi mavjud bo`lgan ergashgan qo`shma gaplar tegishli sodda gaplar bilan ma'nodosh bo`la oladi. Ergash gapni bosh gap tarkibida tegishli ko`rsatish olmoshi bilan ifodalangan gap bo`lagi o`rniga qo`yish orqali sodda gapga aylantirish mumkin. Masalan: 1. Kim ko`p o`qisa, u ko`p biladi - Ko`p o`qigan ko`p biladi. 2. Shuni bilingki, kenga keng, torga tor dunyo - Dunyoning kengga keng, torga torligini bilib oling.

KESIM ERGASH GAPLI QO`SHMA GAPLAR

Bosh gap tarkibidagi kesim vazifasida qo`llangan ko`rsatish olmoshining ma'nosini izohlab keluvchi ergash gapga kesim ergash gap deyiladi.

Kesim ergash gap bosh gapga ko`rsatish olmoshi tarkibidagi *-ki* yuklamasi yordamida bog`lanadi.

EGA ERGASH GAPLI QO`SHMA GAPLAR

Bosh gap tarkibida ega vazifasida qo`llangan ko`rsatish olmoshining ma`nosini izohlab keluvchi ergash gapga ega ergash gap deyiladi. Bunday ergash gap bosh gapga nisbiy so`zlar (*kim - o`sha, nima - o`sha yer kabi*) yoki bosh gap kesimi tarkibida qo`llaniluvchi *-ki* yuklamasi yordamida bog`lanadi.

Gap qismlari nisbiy so`zlar yordamida bog`langanda, ergash gap kesimi shart mayli shaklidagi fe`llar bilan ifodalanadi va ergash gap bosh gapdan oldin keladi.

Gap qismlari *-ki* yordamida bog`langanda esa ega ergash gap bosh gapdan keyin keladi.

Eslab qoling. Ba`zan bosh gapning egasi vazifasidagi ko`rsatish olmoshi qo`llanmasligi mumkin, ammo uning o`rni bilinib turadi.

HOL ERGASH GAPLI QO`SHMA GAPLAR

Bosh gap tarkibida hoi vazifasida qo`llangan ko`rsatish olmoshining ma`nosini izohlab keluvchi yoki bosh gap orqali ifodalangan mazmunning sababi, maqsadi, sharti, payti, holati, miqdor-darajasi kabilarni bildirgan ergash gaplarga hoi ergash gap deyiladi.

Hol ergash gaplar bosh gapga nisbiy so`zlar, shart mayli shakllari; sabab, maqsad, shart bog`lovchilari; *deb* so`zi yordamida bog`lanadi.

Hol ergash gaplar holning ma`no turlariga muvofiq o`z ichida payt, o`rin, sabab, maqsad, shart, miqdor-daraja ergash gaplar singari bir necha turlarga bo`linadi.

TO`LDIRUVCHI ERGASH GAPLI QO`SHMA GAPLAR

Bosh gap tarkibida to`ldiruvchi vazifasida qo`llangan ko`rsatish olmoshining ma`nosini izohlab keluvchi ergash gaplarga to`ldiruvchi ergash gaplar deyiladi. To`ldiruvchi ergash gaplar bosh gapga nisbiy so`zlar yoki bosh gap kesimi tarkibida qo`llaniluvchi *-ki* yuklamasi yordamida bog`lanadi.

Gap qismlari nisbiy soʻzlar yordamida bogʻlanganda, ergash gap kesimi shart mayli shaklidagi feʼllar bilan ifodalanadi va toʻldiruvchi ergash gap bosh gapdan oldin keladi.

Gap qismlari *-ki* yordamida bogʻlanganda esa toʻldiruvchi ergash gap bosh gapdan keyin keladi.

Eslab qoling. Baʼzan bosh gapning toʻldiruvchisi vazifasidagi koʻrsatish olmoshi qoʻllanmasligi mumkin, ammo uning oʻrni bilinib turadi.

ANIQLOVCHI ERGASH GAPLI QOʻSHMA GAPLAR

Bosh gap tarkibida aniqlovchi vazifasida qoʻllangan koʻrsatish olmoshining maʼnosini izohlab keluvchi ergash gapga aniqlovchi ergash gap deyiladi.

Aniqlovchi ergash gaplar bosh gapga nisbiy soʻzlar yoki bosh gap kesimi tarkibida qoʻllanuvchi *-kiyuklamasi* yordamida bogʻlanadi. Birinchi holatda ergash gap bosh gapdan oldin, ikkinchi holatda keyin keladi.

Eslab qoling. Baʼzan bosh gapning aniqlovchisi vazifasida kelgan *shunday, shunaqa* kabi soʻzlar qoʻllanmasligi mumkin, ammo uning oʻrni bilinib turadi.

11-MAVZU

ЭРГАШГАН ҚЎШМА ГАПЛАР ТАРЖИМАСИ

Немис тилидаги эргашган қўшма гаплар бош гап ва жргаш гаплардан иборат бўлади. Бош гап билан жргаш гап боғловчили ёки боғловчисиз боғланган қшма гапларга бўлинади. Бош гап билан эргаш гапни ўзаро боғлашда қуйидаги боғловчилар қўлланилади ва улар ўзбек тилига таржима қилинади:

als – қачонки	nachdem – дан кейин
als ob, als - гўёки	ob – ки
bevor – аввало	obwohl – чунки, сабабли
bis - ҳалиғача	waehrend – пайтида
da – шу каби	weil – чунки
damit – учун, чунки	wenn – агар
dass – сабабли, учун	wenn auch – га қарамасдан
der, die, das – қайсики	seit, seidem – дан бери

ehe – олдиндан	sobald – бўлиши билан
je ... desto – қанча ... шунча	solange – бўйича, ҳали вери

Боғловчили эргаш гапли қўшма гапларни ўзбек тилига таржима қилишнинг қуйидаги усуллари бор:

1. Кесимнинг тусланадиган қисми гапнинг охирида келадиган эргаш гапларда:

Wir sind ueberzeugt, dass unser Weg richtig ist. – *Бизнинг танлаган йўлимиз тўғрилигига ишончимиз комил.*

2. Эргаш гапдаги кесимнинг ажраладиган қисми ажралмаган ҳолда гапнинг охирида келади. Унинг ўзбекча таржимасида бош гап кесими гапнинг охирига ўтади.

Wir wissen, dass unsere Erfolge von unserer Arbeit abhaengen. – *Бизнинг муваффақиятимиз гарови қилаётган меҳнатимизга боғлиқлигини биламиз.*

3. Сўроқ олмошлари эргаш гапнинг боғловчиси вазифасида келади ва у ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинади:

Wir wissen nicht, womit er sich zur Zeit beschaeftigt? – *Биз унинг ҳозирги пайтда нима билан шуғулланаётганлигини билмаймиз.*

4. Боғловчили қўшма гап таржимада боғловчисиз қўшма гап билан таржима қилиниши мумкин:

Der zurueckgelegte Weg beataetigt, dass der gewaehlte Kurs richtig ist. – *Босиб ўтилган йўлимиз биз танлаган йўлимизнинг тўғрилигини кўрсатмоқда.*

АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР ТАРЖИМАСИ

Немис тилидаги аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар нисбий олмошлар - der, - die, - das, - welcher, - es, - е лар ёрдамида ясалиб, ўзбек тилига боғловчисиз таржима қилинади. Масалан:

Немис тилида:

Der Sicherheitsrat der UNO ist
– бу хал-

das Organ, das die Hauptverantwortung
таъмин-

Ўзбек тилида

БМТ Хавфсизлик Кенгаши

каро миқёсдаги тинчликни

wortung fuer die Aufrechterhal-
асосий
tung des Weltfriedens traegt.

лашга масъул бўлган
органдир.

Немис тилидаги аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларда боғловчи вазифасини бажарадиган боғловчилар келишикларда турланадилар:

бирликда				кўпликда
Бош келишик	der	das	die	die
Қаратқич к.	dessen	dessen	deren	deren
Тушум кел.	dem	dem	der	denen
Жўналиш к.	den	das	die	die

1) Аниқловчи эргаш гапларда боғловчи вазифасини сўроқ олмошлари ҳам бажаришлари мумкин. Бундай гаплардаги боғловчили эргаш гаплар ҳам ўзбек тилига боғловчисиз таржима қилинади. Масалан:

Der Ort, wo das geschieht liegt nicht weit von hier – Воқеа содир бўлаётган бу жой бу ердан узоқ бўлмаган ерда жойлашган.

2) Айни пайтда немис тилидаги **wie** боғловчиси ёрдамида ясалган аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларни ўзбек тилига **сўроқ ва кўрсатиш** олмошлари билан ифодаланадиган боғловчилар билан ўгирилиши ҳам мумкин:

Wir begruessen die Initiative, wie sie in Ihrer Erklaerung formuliert ist. – Биз бу ташаббусни Сизнинг билдиришингизда қандай тавсифлаган бўлсангиз, ўшандай ҳолда маъқуллаймиз.

Немис тилидаги аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларда боғловчи вазифасини бажарадиган артиклар эргаш гапдаги отнинг артикли билан ифодаланади: *Morgen besuchen wir einen Betrieb des Kombinars, das Moebel herstellt. – Эртага биз комбинатнинг мебел ишлаб чиқарадиган корхонасига борамиз. Бу ердаги das боғловчиси Moebel сўзининг артикли бўлмай, Kombinat сўзининг артиклидан олинганлигини кўрсатиб ўтиш лозим.*

Немис тилидаги аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплардаги қайсики, яъни *deren, dessen* боғловчилари қўлланилган гапларни ўзбек тилига таржима қилишда қуйидагилар эътибор қилинади:

1) Таржимлада боғловчи тушиб қолади.

Немис тилида

Ўзбек тилида

*Die Firma, deren Vertreter heute
meҳмонимиз*

- Бугун вакили бизнинг

*Unser gasst ist, besteht seit 1887.
ишлайди.*

бўлган фирма 1887 йилдан бери

2) Немис тилидаги боғловчили аниқловчи эргаш гапни ўзбек тилига ўзигиришнинг яна бир усули уни равишдошли бирикма билан таржима қилишдир.

Немис тилида

Ўзбек тилида

*Der Translator ist eine Person,
таржимани амалга*

Таржимон – бу

dieeine Translation ausfuehrt *ошрадиган шахсдир.*

3) Немис тилидаги аниқловчи бирикмали эргаш гапли қўшма гап ўзбек тилига аниқловчи эргаш гап билан ўгирилиши мумкин.

Немис тилида

Ўзбек тилида

*Kinder, deren Eltern es wuenschen,
қилган*

Ота-оналарининг орзу

*besuchen den Kindergarten
борадилар*

болалар боғчаларга

Мавзуга оид машқлар.

1-машқ. Қуйидаги немис тилида берилган шапларни ўзбек тилига таржима қилинг, бунда бош гап билан эргаш гап орасидаги боғловчига эътибор қратинг.

а) Aus einem Interview

Frage: Welche Bedeutung messen Sie Euro Union bei der Entwicklung der Ost-West-Beziehungen insgesamt bei?

Antwort: Europaeische Friedenspolitik hat das Ziel, die Teilung Europas zu ueberwinden. Niemand hat ein groesseres Interesse daran als die Deutschen. Die Einbettung unsere Politik in eine europaeische Politik,

welche die Voelker Europas in Ost und West einander naeher bringt, bietet die beste gewaehr dafuer, dass wir unsere nationalen Interessen wahrnehmen. Deutsche Aussenpolitik ist um so erfolgreicher, je mehr sie europaeische Friedenspolitik ist.

Frage: Die Bundesrepublik nimmt eine gewichtige Stellung bei der Entwicklung der wirtschaftlichen Ost-West-Zusammenarbeit ein. Sehen Sie Impulse fuer eine staerkere Belebung?

Antwort: Das "neue Denken" in GUS Staaten bieten eine solche Chance. Das derzeitige Handelsvolumen entspricht noch nicht den Potenzial beider Staaten, obwohl sie jeweils der wichtigste Handelspartner im anderen Buendnisystem sind. Aufgrund ihres hohen technologischen Standarts ist die deutsche Industrie in der Lage, einen wichtigen Beitrag zur Modernisierung der GUS Wirtschaft zu leisten. Dabei denken wir auch an die neuen Formen der Zusammenarbeit wie die Joint Venture.

b) Aus einer UNO-Resolution

Es ist die Pflicht der Staaten, zur Entwicklung des internationalen Warenaustausches beizutragen, insbesondere durch Vereinbarung und , wo es angebracht ist, durch den Abschluss von langfristigen multilateralen Warenabkommen, und dabei die Interessen der Produzenten und der Verbraucher zu beruecksichtigen. Alle Staaten tragen gleichermassen Verantwortung dafuer, die normale Warenzirkulation und den Zugang zu allen Handelswaren zu stabilen, vorteilhaften und gerechten Preisen zu foerdern und so zur ausgewogenen Entwicklung der Wirtschaft beizutragen, wobei sie insbesondere die Interessen der Entwicklungslaebder beruecksichtigen.

Jeder Staat hat vor allen Dingen die Verantwortung, die oekonomische, soziale und kulturelle Entwicklung seines Volkes zu foerdern. Jeder Staat hat zu diesem Zweck das recht und die verantwortung, die Wege und Ziele seiner Entwicklung selbst zu waehlen, seine Ressourcen voll zu mobilisieren und zu nutzen, fortschrittliche Wirtschafts- und Gesellschaftsreformen durchzufuehren und die volle Beteiligung seines Volkes am Entwicklungsprozess und dessen Fruechtern zu gewaehrleisten.

12-МАВЗУ

ШАРТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП ВА УНИНГ ТАРЖИМАСИ

Немис тилида шарт эргаш гапли қўшма гаплар икки хил йўл билан ясалади: 1) боғловчи билан 2) боғловчисиз. Боғловчили шарт эргаш гапли қўшма гаплар.

1) Немис тилидаги боғловчили эргашган қўшма гаплар қуйидагича ясалади: wenn (агар) ҳамда falls (бўлган тақдирда), sofern (бўлса) каби боғловчилар билан ясалган эргашган қўшма гаплар қуйидаги усулда таржима қилинади:

Немис тилида

Wenn auch weiterhin kein Regen

ёғмасликда

faellt, koennen die Pflanzen darunter

ўсимлик-

leiden

Ўзбек тилида

Агарда яна ёмғир

давом этадиган бўлса,

лар зарар кўради.

2) Боғловчисиз боғланган қўшма гаплар таржимаси қуйидагича бўлади:

Немис тилида

Wird die Schuld nicht beglichen,

қайтарилмайдиган бўлса,

gibt es keine neuen Kredite

берилмайди.

Ўзбек тилида

Қарзлар

янги кредитлар ҳам

3) Немис тилидаги wenn (агар) боғловчиси ўзбек тилига бўлган тақдирда ёки тақдирдагина сўзи билан таржима қилиниши мумкин:

Немис тилида

Nur wenn eine Zollerklaerung aus-

тўлди-

gefüllt ist, darf man die Grenze

чегарани

passieren.

Ўзбек тилида

Божхона декларациясини

рилган тақдирдагина

кесиб ўтиш мумкин.

4) Немис тилидаги **wenn (агар)** боғловчиси ўзбек тилига эргаш гапдаги кесим таркибига –да қўшимчасини қўшиш билан таржима қилинади.

Немис тилида
*Wenn wir von einem gesammteuro-
қақида гапир-
Paeischen Haus sprechen, meinen
қўзда тутма-
wir folgendes.*

Ўзбек тилида
*Биз Умумевропа Уйи
ганимизда қуйидагилар
миз.*

5) Немис тилидаги **wenn (агар)** боғловчиси ўзбек тилига фақат –са қўшимчаси билан боғловчисиз таржима қилиниши мумкин:

Немис тилида
*Wenn der Regen genug faellt, gibt
es eine reiche Ernte
бўлади.*

Ўзбек тилида
*Ёмғир етарли ёгса,
ҳосил ҳам мўл*

6) Немис тилидаги боғловчисиз шарт эргаш гапли қўшма гап ўзбек тилига - --агар боғловчи билан ўтирилиши мумкин:

Немис тилида
*Man muss Lehren daraus ziehen,
фактлардан тўғри
will man nicht in den alten Fehler
аввалги хато-
verfallen.
такрорламаймиз.*

Ўзбек тилида
*Агар биз ушбу
хулоса чиқара олсак,
ларимизни*

Сабаб эргаш гапли қўшма гаплар ва уларнинг таржимаси
Немис тилида сабаб эргаш гапли қўшма гаплар (**die Kausalsaeetze**) *obwohl, obgleich, obschon, obzwar, wengleich* боғловчилари воситасида боғланадилар.

1) Немис тилидаги *obwohl, obgleich, obschon, obzwar, wengleich* боғловчилари воситасида ясалган қўшма гаплар ўзбек тилига – **га қарамасдан** воситасида таржима қилинади:

Немис тилида
*Obwohl die Zahl der Arbeitskraefte
хизматчилар*

Ўзбек тилида
Қишлоқ хўжалигидаги

in der landwirtschaft zurueckging,
камайтирилганлигигақарамас-
stieg die Arbeitsproduktivitaet bet-
даражаси сези-
raechtlich.

сони

дан ишлаб чиқариш

ларли ошди.

2) Немис тилидаги **zwar, freilich, wohl, sicher** модал сўзлари
воситасида ясалган сабаб эргаш гапли қўшма гаплар ўзбек тилига
ҳақиқатдан ҳам воситасида таржима қилинади:

Немис тилида

*Diese Kraefte haben zwar ihre Taktik
taktika-
geaendert, doch ihre Grundhaltung
бўлсалар ҳам,
ist dieselbe geblieben.
позициялари сақ-*

Ўзбек тилида

*Бу кучлар, ҳақиқатдан ҳам,
ларини ўзгартирган
уларнинг асосий
аввалгидай сақланиб қолди.*

3) Сўроқ олмошлари **woher** воситасида ясалган қўшма гаплар ўзбек
тилига ҳам **қаердан** сўроқ олмоши билан ўгирилади.

Немис тилида

*Woher die Hilfe auch kam, sie
қарамай,
Wurde dankbar angenommen.
қилинди.*

Ўзбек тилида

*Ёрдам қаердан келишига
улар мамнуният билан қабул*

4) Немис тилидаги **welcher** сўроқ олмоши – **zu** партикли
иштирокида ясалган қўшма гаплар ўзбек тилига **ҳар қандай**
олмоши билан ўгирилади:

Немис тилида

*Wir sind zu jedem Dialog, zu Ver-
ҳар қан-
Handlungen und gemeinsamen Ak-
бирга-
tionen, welcher Art auch immer,
тайёрмиз.
bereit.*

Ўзбек тилида

*Биз ҳар қандай диалогга,
дай мулоқотга, ҳар қандай
ликдаги ҳаракатларга*

- Antipatie, Hassgefuehle hervorrufen. Betrachtet man den Computer als lebendigen Organismus, kann er dasselbe Unbehagen aus loesen wie bestimmte Tiere. Auch das Gegenteil kann eintreten: Wenn sich naemlich der Computer als vertraeglicher Kollege erweist, entwickelt der Mensch moeglicherweise eine Antropophobie, das heisst Angst vor dem Umgang mit anderen Menschen.
- b. Gewiss, in Europa brauchte man Jahrhunderte, bis sich Nationen herausbildeten und wirtschaftlich konsolidierten. Insofern sind 30 Jahre eine ausserordentlich kurze Zeit, zumal die koloniale Aera ihre spezifische Erblast hinterlassen hat. So viel Zeit bleibt Afrika aber nicht – und so viel muss es angesichts des Entwicklungsstandes in der Welt auch nicht sein. Wohl hat man auch dort das Recht auf Irrtum, selbst auf zeitweilige Fehlentwicklung und auf Umwege bei der Suche nach seinen Kurs. Objektiv jedoch draengt die Zeit nirgendwo so sehr wie in Afrika.
- c. **Wenn** die Konzepte zur weltweiten Abruestung eines gluecklichen Tages akzeptiert werden, und das ist unsere Hoffnung und Erwartung, dann werden Summen in der Hoehe von hundert Milliarden Dollar fuer Produktionen frei, **welche** dem Whole der menschheit dienen.

Мундарижа

1-мавзу. Немис ва ўзбек тилларидаги отлар қиёсий типологияси ва таржимаси.....	3 - 9
2-мавзу. Немис тилидаги ўзлашма ва қўшма отларнинг ўзбекча муқобиллари.....	9-14
3-мавзу. Немис ва ўзбек тилларида қисқартмалар ҳамда уларни таржима қилиш муаммолари.....	14-17
4-мавзу. Атоқли отлар таржимасида таржимасида транслитерация усулини қўллаш. Мавзуга оид машқлар.....	17-21
5-мавзу. Немис ва ўзбек тилларида феъллар қиёсий типологияси ва уларни таржима қилиш муаммолари.....	21-25
6-мавзу. Немис ва ўзбек тилларида сифат ва уни таржима қилиш муаммолари.....	25-32
7-мавзу. Немис ва ўзбек тилларида сон.....	32-37
8-мавзу. Немис тилидаги сонларни ўзбек тилига таржимаси.....	37-40
9-мавзу. Немис ва ўзбек тилларида гап ва уни таржима қилиш муаммолари. Немис ва ўзбек тилларидаги гапда феълнинг ўрни.....	40-45
10-мавзу. Немис ва ўзбек тилларида қўшма гаплар.....	46-51
11-мавзу. Эргашган қўшма гаплар таржимаси.....	51-55
12-мавзу. Шарт эргаш гапли қўшма гап ва унинг таржимаси. Мавзуга оид машқлар.....	56-59
Мундарижа.....	60

